


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
“ИҚТИСОДИЁТ” ФАКУЛЬТЕТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ


«ҲИМОЯГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ»
«БХ ва аудит» кафедраси мудирини в.б.
доц. Р.Омонов
« 16 » 06 2014 йил




Тижорат банкларининг кредит операцияларида қисқа муддатли
кредитлашнинг аҳамияти ва банк саноатдорлигига таъсири
(“Асака” банк (ОАЖ) Қашқадарё вилоятидаги филиали мисолида)
мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

БАЖАРДИ: “Молия” таълим йўналиши
битирувчиси IV курс М-469 гуруҳ
талабасини  Хамраева Гулнора

ИЛМИЙ РАҲБАР:
“БХ ва А” кафедраси ассистенти
 Аликулов А.



Битирув малакавий иши кафедрада дастлабки ҳимоядан ўтди
« 16 » сонли баённома « 16 » 06 2014 й.

ҚАРШИ – 2014 йил

Қарши муҳандислик иқтисодий институти «Иқтисодиёт» факультети 5340 -
«5340600» маълум
» таълим йўналиши курс 4 гуруҳ талабаси
Хашраева Гулнора
нинг битирув малакавий ишига
ТАҚРИЗ

Битирув малакавий иш мавзуси: Шижрат банкларининг кредит операцияларида таска муҳим кредитлаштириш аҳамияти ва банк самарадорлигига таъсир

Битирув малакавий ишининг ҳажми: 104 Ҳафса
а) ёзма изох қисми: варақлар сони: 100 бет ёзма изох
б) график қисми: чизмалар сони: 4та таъриф, 4та диаграмма ва 1та чизма
Малакавий иш мавзусининг долзарблиги ва берилган топшириқга мослиги: Банк тизимининг ривожланиши ва ҳисоб этиш банкларининг ресурс базасини қамраб олуш, улар қанчаликдан қўлқўлаётган шижратлар шижратини аҳимияти мавзунинг долзарблиги ифода қилинган. Бундан мавзуси ва берилган топшириқ бир бирига мос келмади.

Битирув малакавий ишининг ёзма изох ва график материалларининг таркиби ва бажарилиш сифати: БМН қисми, 3 Ҳафса, ҳисоб ва тақлифлар, фойдаланишнинг адабиётлар, рўқат, ишбалам, таърифлар, чизма ва расмлардан иборат.

Битирув малакавий ишида илмий маълумотлар, фан-техника ютуқлари ва илмий тажриба натижаларидан фойдаланилганлиги: БМН да Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент асари, ЎзБ. Республика Юридиклар, МВ. Юридиклар, мавзунинг адабиётлари, дарсликлар, улар қўлқўлаётган қонунлар, асосий қўлқўлаётган қонунлардан фойдаланиш.

Битирув малакавий ишининг ижобий томонлари ва амалий аҳамияти: БМН мавзусининг долзарблиги асосининг назарий маълумотлар мавзуси, компьютер диаграммаларидан фойдаланишнинг ижобий томони


Малакавий ишидаги камчиликлар: БМН да баъзи илмий-қонунлар ҳисоблари.

Битирув малакавий ишининг баҳоси (максимал балл-100 балл) ва битирувчига унга мос йўналиш бўйича «Бакалавр даражаси» берилиши мумкинлиги тўғрисида ҳулоса.

БМН баъзи баҳолашди. ДАК асари
Ҳисоблари таърифлар

Такризчи:

(ИМЗО)



А.Т. Асакабанк ва саноат банки
Масъули, иш жойи, илмий даражаси
Бош маъмури М. Ҳусанов

Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти «Иқтисодиёт» факультети
8340 600 «Момил» таълим йўналиши курс битирув талабаси
Қадрасов Гулнора
нинг битирув малакавий ишига
ТАҚРИЗ

Битирув малакавий иши мавзуси: Тиларфат банкларининг кредит
операцияларида қисқа муддатли кредитлаш-
нинг аҳамияти ва банк савторларининг
вазифаси.

Битирув малакавий ишининг ҳажми: 104 бет

а) ёзма изох қисми: варақлар сони: 100 бет ёзма изох

б) график қисми: чизмалар сони: 479 шарҳ, 476 диаграмма ва 1та чизма

Битирув малакавий иши мавзусининг долзарблиги ва берилган топшириқга мослиги:

Станк таълими фойдаланилиши ва илгори унинг
банкларнинг ресурсларининг қисқайтириши, улар
томоғидан қўйсатиладиган қарзлар сифати
қийинчиликларининг долзарблигини кўрсатди.
БМН, унинг мавзуси ва берилган топшириқ
бу борада мос шари.

Битирув малакавий ишининг ёзма изох ва график материалларининг таркиби ва

бажарилиш сифати: БМНда қисми, 3бб, қўйса ва
тақдирлар, қўйсатиладиган қарзлар
қийинчиликлар, шарҳлар, диаграммалар, чизма-
лар ва қўйсатиладиган қарзлар.

Битирув малакавий ишида илмий манбалар, фан-техника ютуқлари ва илгори тажриба

натижаларидан фойдаланилганлиги:

БМНда Ўзбекистон Республикаси Қонуни,
Ўзбекистон Республикаси Қонуни
қўйсатиладиган қарзлар, қўйсатиладиган қарзлар,
қўйсатиладиган қарзлар, қўйсатиладиган қарзлар,
қўйсатиладиган қарзлар, қўйсатиладиган қарзлар,
қўйсатиладиган қарзлар, қўйсатиладиган қарзлар.

Битирув малакавий ишининг ижобий томонлари ва амалий аҳамияти:

БМН мавзусининг долзарблиги, асосининг
қўйсатиладиган қарзлар, қўйсатиладиган қарзлар,
қўйсатиладиган қарзлар, қўйсатиладиган қарзлар,
қўйсатиладиган қарзлар, қўйсатиладиган қарзлар,
қўйсатиладиган қарзлар, қўйсатиладиган қарзлар.

Малакавий битирув ишининг баҳоси (максимал балл-100 балл) ва битирувчига унга

мос йўналиш бўйича «Бакалавр даражаси» берилиши мумкинлиги тўғрисида

хулоса.
БМН
қўйсатиладиган қарзлар, қўйсатиладиган қарзлар.

Битирув малакавий иши раҳбари:

Алиев А.Т.
(Фамилия, исми ва шарифи)

ҚАҶШИ МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ
“БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ” КАФЕДРАСИ
БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИГА ТОПШИРИҚ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
 “БХ ва А” кафедраси мудир
С.Эгамбердиева
 “ 14 ” 01 2014 й.

Талаба: Хамраева Гулнара

Таълим йўналиши: 5340600- “Молия”

Битирув малакавий ишининг мавзуси: Тижорат банкларининг кредит операцияларида қисқа муддатли кредитларнинг аҳамияти ва банк самарадорлигига таъсири (АТ “Асака” банк ОАЖ Қашқадарё вилояти мисолида)

Битирув малакавий иши олди амалиёти ўтилган жой: АТ “Асака” банк ОАЖ Қашқадарё вилояти мисолида

1. Битирув малакавий иши раҳбари: асс. А.Т.Аликулов

Битирув малакавий иши мақсади: Республикамиз тижорат банклари кредит сиёсатини бошқариш жараёнида қисқа муддатли кредитлашнинг мавжуд камчиликларини аниқлаш, банк кредитлаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда рискларини камайтириш юзасидан аниқ амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

2. Иш режаси:

Битирув малакавий иши бўлими	Битирув малакавий иши бўлими номи	Бажариш муддати
Кириш	Кириш	15.01.2014 й. 01.02.2014 й.
I – Боб	Тижорат банкларида кредитлашнинг назарий асослари.	01.02.2014 й. 20.02.2014 й.
II – Боб	Акциянерлик тижорат “Асака” банк Қашқадарё вилоят филиалининг кредит ресурсларидан фойдаланиш ҳолати.	20.02.2014 й. 25.03.2014 й.
III – Боб	Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда устувор йўналишларни белгилаш.	25.03.2014 й. 25.04.2014 й.
Хулоса ва таклифлар	Хулоса ва таклифлар	25.04.2014 й. 15.05.2014 й.
Фойдаланилган адабиётлар	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.	15.05.2014 й. 28.05.2014 й.

6. Битирув малакавий ишини бажариш учун зарур бўлган материаллар:

а) адабиёт манбалари: Президент асарлари ва маърузалари, мавзуга оид адабиётлар ва ўқув қўлланмалари ва интернет материаллари.

б) қонуний-меъёрий ҳужжатлар: Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

в) статистик ва бошқа маълумотлар: Статистик маълумотлар тўпламлари, Акциянерлик тижорат “Асака” банк Қашқадарё вилоят филиали маълумотлари.

7. Тасвирлаш материаллари: Аналитик жадваллар ва диаграммалар.

8. Топшириқ берилган кун: 15.01.2014

9. Ишни топшириш муддати: 10.06.2014

10. Илмий раҳбар: *Аликулов А.Т.*

Кафедра мудирининг битирув малакавий ишини ҳимояга қўйиш ҳақидаги хулосаси

ДАК

«Тасдиқлайман»

/ «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» кафедраси
мудир  доц. О.Хушмурадов
«20» декабр 2013 йил

МАНЗУР: Тижорат банкларининг кредит операцияларида қисқа муддатли кредитларнинг аҳамияти ва банк самарадорлигига таъсири (АТ «Асака» банк ОАЖ Қашқадарё вилояти мисолида)

КИРИШ

I-БОБ. Тижорат банкларида кредитлашнинг назарий асослари.

- 1.1. Кредит сиёсатининг мақсади ва вазифалари.
- 1.2. Кредит сиёсатининг мезонлари ва кредит турлари.
- 1.3. Кредитлаш тамойиллари ва кредит бериш тартиблари

II-БОБ. Акциядорлик тижорат «Асака» банк Қашқадарё вилоят филиалининг кредит ресурсларидан фойдаланиш ҳолати.


- 2.1. Банкларда қисқа муддатли кредитлаш статистикаси.
- 2.2. АТ «Асака» банкда қисқа муддатли кредитларнинг ўрни ва кредитлаш қобилиятининг таҳлили.
- 2.3. АТ «Асака» банкнинг хўжалик юритувчи субъектлар кредит қобилиятини ҳисоблаш тартиби.

III. БОБ. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда устувор йўналишларни белгилаш.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Илмий раҳбар:



«БХ ва А» кафедраси
асс. А.Т.Аликулов

М- 469 гуруҳ талабаси:

Ҳамраева Гулнора

**Тижорат банкларининг кредит операцияларида қисқа муддатли
кредитларнинг аҳамияти ва банк самарадорлигига таъсири (АТ
“Асака” банк ОАЖ Қашқадарё вилояти мисолида)
Мундарижа:**

Кириш

I-БОБ. Тижорат банкларида кредитлашнинг назарий асослари.

- 1.1. Кредит сиёсатининг мақсади ва вазифалари.**
- 1.2. Кредит сиёсатининг мезонлари ва кредит турлари.**
- 1.3. Кредитлаш тамойиллари ва кредит бериш тартиблари**

**II-БОБ. Акциядорлик тижорат “Асака” банк Қашқадарё вилоят
филиалининг кредит ресурсларидан фойдаланиш ҳолати.**

- 2.1. Банкларда қисқа муддатли кредитлаш статистикаси.**
- 2.2. АТ «Асака» банкда қисқа муддатли кредитларнинг ўрни ва
кредитлаш қобилиятининг таҳлили.**
- 2.3. АТ “Асака” банкнинг хўжалик юритувчи субъектлар
кредит қобилиятини ҳисоблаш тартиби.**

**III. БОБ. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда устувор
йўналишларни белгилаш.**

Хулоса ва таклифлар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

КИРИШ

Мавзусининг долзарблиги. Банк тизимини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш. Банк тизимини ривожлантириш ва ислоҳ этиш, банкларнинг ресурс базасини кенгайтириш, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати яхшилаш мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида халқ хужалиги тармоқлари, хусусан молия соҳасини кредитлашда тижорат банклари томонидан кредитлар тақдим қилиш жараёнида кредит рискларини олдини олишда банк ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, гаров мулкани баҳолаш, сақлаш, сақланиши устидан мониторинг ўрнатиш, уларнинг бозордаги нархларини ўзгаришини баҳолай оладиган ходимларнинг банкда мавжуд бўлиши бўйича муаммолари мавзунинг долзарблигини ифодалайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлари туғрисида”ги Фармонида банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш, тижорат банкларнинг мустақиллигини ошириш, банклар билан уларнинг миқдорлари ўртасидаги ўзаро манфатли шериклик муносабатларини шакллантириш, банк активлари, шу жумладан, кредит портфелини шакллантириш билан боғлиқ рискларни бошқаришни тижорат банки раҳбариятининг ваколатига юклаш лозимлиги таъкидлаб ўтилган.

Кўриб турганимиздек, мамлакатимиз банк тизимининг ҳозирги амалиётида ўз ечимини кўтаётган бир талай муаммолар мавжуд. Мазкур муаммоларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 18 январдаги “2012 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари туғрисида”ги қарорида “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ушбу асосда аҳолини иш билан банд этиш ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш; банк-молия тизимида ислохатларни янада чуқурлаштириш ва қўламларини кенгайтириш” каби йўналишлар мамлакатимизнинг 2013 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим йўналишларидан бири қилиб белгилаб берилди. Мазкур муҳим йўналишларни амалга ошириш ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилган талабларни ижро қилиш тадқиқот ишида танланган мавзунинг долзарблигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ва халқаро банк амалиётида кредитлаш жараёнида қарор қабул қилишда асосан кредитга лаёқкатли бўлган қарз олувчилар кўриб чиқилади. Бунда маълум бир қарздорни кредитлашда кредит суммасининг лимити қуйидаги молиявий кўрсаткичлар асосида аниқланади: қарздорнинг хусусий капитали (мухторийлик коэффициенти, капиталнинг умумий қарздорликка булган нисбати); қарздорнинг даромадлилиги (тушумларнинг рентабеллик коэффициенти, умумий капиталнинг рентабеллик коэффициенти, хусусий капиталнинг рентабеллик коэффициенти); қарздорнинг туловга лаёқатлиги (қоплаш коэффициенти, лаҳзалик ликвидлик коэффициенти, дебиторлик ва кредиторлик билан боғлиқ бўлган коэффициенти). Кредитга лаёқкатлигига бундай баҳолаш усулида етарлича назарий-методологик ечимлар ишлаб чиқилмаганлик, математик аппаратнинг суст ишлатилиши, юқоридаги кўрсаткичлар рейтинг асосида етарлича иқтисодий асослантирилмаган ҳолда кредит суммаси лимитини белгилаш каби муаммолар мавжуд.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. бўлиб Республикамиз тижорат банклари кредит сиёсатини бошқариш жараёнида қисқа муддатли кредитлашнинг мавжуд камчиликларини аниқлаш, банк кредитлаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда рискларини камайтириш юзасидан аниқ амалий таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари. Кўйилган мақсад қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади:

- тижорат банклари кредит сиёсатини шакллантириш ва бошқариш назарияси, амалиёти ҳамда кредитлаш методларини таҳлил қилиш;
- кредит хатарларининг иқтисодий моҳиятига таъриф бериш, уларни ҳисоблаш усулларини тадқиқ қилиш ва банк амалиётида тадбиқ қилиш эҳтиёжини асослаш;

- мамлакатимиз банк амалиётида қарз олувчининг кредитга лаёқатлигини баҳолашда қулланилаётган усулларни методологик-иқтисодий жиҳатидан таҳлил қилиш;
- бугунги кунда кредит портфелини самарали бошқаришни ташкил қилиш мақсадида амалдаги банк қонунчилигига ўзгартириш киритилиши юзасидан таклифлар бериш;
- АТ «Асака» банк Қашқадарё вилояти филиали кредит портфелининг ҳолатини ва унинг қисқа муддатли кредитларни бошқариш амалиётини тадқиқ қилиш ҳамда мавжуд камчиликларни аниқлаш, тижорат банки активларининг хатарлилик даражасини тадқиқ қилиш ва унинг банк кредит портфелини бошқариш самарадорлигини оширишда таъсирини асослаб бериш;

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқотнинг объекти этиб АТ «Асака» банки Қашқадарё вилояти филиали, предмети этиб эса тижорат банклари қисқа муддатли кредит сиёсатини бошқариш механизми белгиланди.

Тадқиқотнинг назарий-ўслубий асослари.

Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Президент И.А.Каримовнинг макроиқтисодий масалаларга бағишланган асарлари, хусусан банк тизмига бағишланган нутқлари тадқиқотнинг назарий-ўслубий асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг меъёрий-ўслубий ҳужжатлари, банк иши бўйича чоп этилган ўқув қўлланмалар, хориж ва мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг монографиялари, илмий изланишларнинг натижалари ҳамда матбуотда эълон қилинган фактлар, муаллифнинг ўз кўзатишлари ва ҳисоб-китоблари мазкур илмий тадқиқот ишининг ахборот базаси ҳисобланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Мамлакатнинг иқтисодий барқарор ўсишини таъминлашда, банк тизимини иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштириб бориш лозим;
- Банк хизматлари турларини кўпайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш;
- Республикада банкларни текшириш ва назорат қилишни такомиллаштириш керак;
- Банкларнинг капиталлашув ва молиявий барқарорлигини ошириш; Уларнинг ресурс базасини кўпайтириш учун аҳоли жамғармаларини ва хўжалик субъектларини бўш пул маблағларини банклардаги муддатли омонатларга жалб қилиш ва молия бозорида банк акцияларини иккиламчи бозорини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўриб чиқиш зарур.
- Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқ ҳужалиги тармоқлари, хусусан молия соҳасини кредитлашда тижорат банклари томонидан кредитлар тақдим қилиш жараёнида кредит рискларини олдини олишда банк ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, гаров мулкани баҳолаш, сақлаш, сақланиши устидан мониторинг ўрнатиш, уларнинг бозордаги нархларини ўзгаришини баҳолай оладиган ходимларнинг банкда мавжуд бўлиши бўйича муаммоларни ҳал қилиш зарур. Мазкур йўналишларни амалга ошириш натижасида, кредит портфелини самарали бошқариш фаоллашади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти. БМИда илгари сурилган тавсия ва таклифлар қуйидаги йўналишларда ўз ифодасини топган:

- тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларнинг асосий сабабларини аниқлаш, хусусан, қарздор вақтинча молиявий нобарқарор бўлган ҳолатларда кредитлаштирилган лойиҳа амалга оширилган пухта таҳлиллар асосида истиқболли ҳисобланган ҳолда қўшимча равишда кредитлаш;
- ходимларининг ҳуқуқий ва касбий билимлари даражасини ошириш;
- ҳудудларда мавжуд бўлган халқ хўжалигининг турли тармоқлари бўйича кредит портфелини диверсификация амалиётини фаоллаштириш;
- тадқиқот ишида илмий асосланган таклифлар, ҳулоса ва тавсиялар яхлит самара келтиришга қаратилган бўлиб, уларни банклар амалиётида қўллаш, жумладан тижорат банклари кредит портфелини рискларини таҳлил қилишда, тижорат банклари кредит-депозит сиёсатини шакллантиришда ва бошқаришда, кредит портфелини бошқариш самарадорлигини оширишда фойдаланиш.

Битирув малакавий ишнинг таркиби ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаларилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Кириш қисмида. Танданган мавзунинг долзарблиги, Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари, назарий-услубий асослари, илмий янгиликлари ва амалий аҳамияти қайд этилган.

Биринчи бобда. Тижорат банклари кредит сиёсати мақсади ва вазифалари, кредит сиёсатининг мезонлари ва кредит турлари, кредитлаш тамойиллари ва кредит бериш тартиблари ҳақида назарий маълумотлар берилган.

Иккинчи бобда. Банкларда қисқа мудатли кредитлаш статистикаси, АТ «Асака» банкда қисқа мудатли кредитларнинг ўрни ва кредитлаш қобилияти таҳлили, “АСАКА” банкнинг хужалик юритувчи субъектлар кредит қобилиятини ҳисоблаш тартиби ва кредитларнинг ўз вақтида қайтишида банк назоратининг роли ва аҳамияти очиб берилган.

Учинчи бобда. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда устувор йўналишларни белгилаш борасида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса ва таклифлар қисмида кредит сиёсатини бошқариш ва банкда қилиниши керак бўлган чора-тадбирлар бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

I-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРЕДИТЛАШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1.Кредит сиёсатининг мақсади ва вазифалари.

Кредитлашни ташкил этиш кредит муносабатларининг икки субъекти - банк ва қарз олувчининг ўзаро мажбуриятлари ҳамда манфаатларини уйғунлаштиришни назарда тутди. Кредитор сифатида банкларнинг олиб борадиган фаолияти улар учун меъёрий бўлган ҳужжат кредит сиёсатида ўз аксини топади. Тижорат банклари кредит сиёсатини мустақил тузадилар.

Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, ўз кредит сиёсатини шакллантириши банк кредитлаш фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади. Тижорат банкининг кредит сиёсати кредитларни бошқаришнинг асоси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги "Тижорат банклари кредит сиёсатига қўйиладиган талаблар тўғрисида" ги Низомига асосан банкнинг кредит сиёсатига қуйидагича таъриф берилади: Банкнинг кредит сиёсати - кредитлаш жараёнида юзага келувчи рискларни бошқаришда банк раҳбарияти томонидан қабул қилинадиган чоралар ва услубларни белгиловчи ҳамда банк раҳбарияти ва ходимларини кредитлар портфелини самарали бошқаришга доир кўрсатмалар билан таъминловчи ҳужжатдир. Кредит сиёсати банкнинг кредит фаолияти мақсадларини аниқ кўрсатиши ва аниқлаб бериши шарт.

Тижорат банкларининг кредит сиёсати кредит менежментини самарали олиб боришнинг асоси ҳисобланади. Бу сиёсат банк ходимларининг кредит бериш, банкнинг кредит портфелини бошқариш билан боғлиқ объектив стандартларини ва мезонларини аниқлаб беради. Кредит сиёсатини тўғри тузиш ва олиб бориш, барча бўлимлар томонидан бу сиёсат мақсадининг аниқ тушинилиши банк бошқарувига кредит стандартларини тўғри олиб боришига, юқори рисклардан қочишга, банк имкониятларини тўғри аниқлашга асос ҳисобланади.

Яхши ишлаб чиқилган кредит сиёсати кредит рискинни бошқариш ва уни камайтиришга яхши имкон беради.

Кредит сиёсатининг зарурлиги шундаки, банк катта ёки кичиклигидан, унда кам ёки кўп ходим ишлашдан қатъий назар, банкда бу сиёсат бўлиши лозим. Чунки бу сиёсат кредит бўйича унифицирлашган умумий қоида ва тамойилларининг бажарилишини, операциялар бажарилишининг кетма - кетлигини таъминлайди. Банкнинг кредит сиёсати банкнинг ҳамма ходимлари - кичик ходимдан ёки банк бошқаруви раисигача бир хил бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам кредит сиёсатини олдиндан белгилаб олинган қоида ва ечимлар тўплами дейилади.

Кредитлаш сиёсати ва унинг самарадорлиги тўғри кредит нархлари белгиланган шароитида муваффақиятли бўлиши мумкин.

Кредит сиёсатини самарали олиб боришда банк ходимлари банк мижозларининг маблағларини кимларга фойдаланишга бериш мумкинлигини яққол билиши лозим.

Банк қандай кредитлар, қанча миқдорда, қандай шаклда, кимга, қайси шартлар билан берилишини ҳал қилиши зарур. Бизнеснинг шундай турлари борки, банк кредит бера туриб улар бўйича қийин аҳволга тушиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳар бир фаолият риск билан боғлиқ эканлигини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозим. Банкнинг кредит сиёсати унинг фаолиятида юзага келиши мумкин бўлган хавфли ҳолатларнинг олдини олишга, бунинг учун депозитлар ва кредитлар ўртасидаги нисбатнинг, банк мажбуриятлари билан капитали ўртасидаги ва бошқа кўрсаткичларнинг меъёрида бўлишини тақозо қилади. Оқилона кредит сиёсати бериладиган кредитларнинг сифатини оширади. Шунинг учун кредит сиёсатининг асосий мақсади бошқарув жараёни, фондларнинг етарлилиги, рискларни сифат даражаси бўйича туркумлари, кредит портфелининг баланси, мажбуриятларнинг таркибий қисмларини ажратиш каби элементларини ўз ичига олмоғи лозим. Энди биз банк сиёсатига тўхталадиган бўлсак, банк сиёсати - банкнинг депозит сиёсати, кредит сиёсати, фоиз сиёсати, валюта сиёсати, мижозларга касса - ҳисоб хизматини кўрсатиш сиёсати ва бошқа банк хизматларини кўрсатиш бўйича сиёсати, банкларнинг ликвидлилигини таъминлаш сиёсати, кадрлар сиёсати мажмуасидан иборатдир.

Бизга маълумки, пул маблағларига кўп ҳолларда кредитларга олинган маблағлар, корхоналарнинг ҳисоб варақасидаги маблағлар ва нақд пуллар, айланма маблағлар ва молиявий ресурслар киради.

Бу иқтисодий категориялар ташқи томондан ўхшагани билан, уларни ички хусусиятлари жуда хилма хил ва бир-бирига ўхшамайди.

Кредит - бу вақтинча бўш турган пул маблағларини маълум муддатга, ҳақ тўлаш шarti билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиққан иқтисодий муносабатлар йиғиндисидир.

Кредит ёрдамида товар - моддий бойликлари, турли машина ва механизмлар сотиб олинади, истеъмолчиларнинг маблағлари етарли бўлмаган шароитда тўловни кечиктириб товарлар сотиб олишлари ва бошқа ҳар хил тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўладилар.

Кредит иқтисодий категория бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг аниқ бир кўриниши сифатида юзага чиқади.

Кредит ҳар қандай ижтимоий муносабат эмас, балки ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсули, қийматнинг ҳаракати, қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи категориядир.

Кредитнинг моҳияти унинг ички белгиларини очиб беришга қаратилган. Кредитнинг моҳиятини очиш - бу унинг сифатларини, кредитнинг муҳим томонларини, уни иқтисодий муносабатлар тизимининг бир элементи сифатида кўрсатувчи асосларини билиш демакдир.

Иқтисодчи олимлардан Қодиров А., Пессел М. Кредит иқтисодий категория бўлиб, унда ишлаб чиқариш муносабатлари ўз аксини топади ва давлат, хўжалик ташкилотлари, корхоналар ва муассасалар бир-бирига кредитни маълум вақтга, уни қайтариб бериш ва тўлаш шarti билан берадилар деб таъкидлайдилар.


Юқоридаги фикрларга асосланган ҳолда кредитнинг баъзи муҳим томонлари аниқланади:

биринчидан, унинг ижтимоий маҳсулот яратиш, миллий даромад ва пул ресурсларини қайта тақсимлашга боғлиқлиги;

иккинчидан, кредитнинг ҳаракат шаклига (товар ёки пул тарзида) эга эканлиги;
учинчидан, такрор ишлаб чиқаришдаги ҳаракатнинг асосий ҳал этувчи белгиси (қарз) эканлиги ва ҳақозо.

Берилган кредитни қайтариб бериш шарт. У худди шу сифати билан молиядан фарқ қилади. Бир қатор иқтисодчиларнинг фикрича, кредит жамиятдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини йиғиш ва уларни тақсимлаш шаклидир.

Кредит муносабат бўлиши учун унинг зурур элементлари кредитнинг объекти ва субъекти бўлиши зарур.



Кредит муносабатларида субъектлар икки хил бўлади:

- 1.Кредитор (қарз берувчи)
- 2.қарздор (қарз олувчи)

Кредит объекти - бу (кредитор) қарз берувчидан қарз олувчига бериладиган ва қарз олувчидан қарз берувчига қайтиб бериладиган қийматдир.

Бунда қарзга берилган маблағ ўз қийматини сақлаб қолиши кредитнинг асосий хусусияти ҳисобланади. Кредит таркиби унинг элементлари бирлигини ифодалайди.

Кредит товар-пул муносабатлари мавжуд шароитдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас бир қисми бўлиб, товар ишлаб чиқариш кредит муносабатлари вужудга келишининг табиий асоси ҳисобланади.

Кредитнинг вужудга келишини нафақат ички истеъмол учун товар ишлаб чиқариш доирасидан эмас, балки асосан юридик жиҳатдан мустақил бир-бирига мулкдор сифатида қарама-қарши турувчи ва иқтисодий муносабатларга киришишга тайёр товар эгалари фаолият кўрсатаётган муомала доирасидан кидириш керак.

Ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишидаги ва фондларнинг бир марта айланишидаги қийматнинг ҳаракати қисқа муддатли кредит муносабатлари пайдо бўлишининг иқтисодий асосидир.

Корхона ишлаб чиқариш фондларининг доиравий айланишидаги тебранишлар заминидан ишлаб чиқариш вақти билан маҳсулотларни сотиш вақтининг мос келмай қолишидан вужудга келадиган қийинчиликларни бартараф этувчи муносабатларнинг пайдо бўлиши табиий ҳолга айланади.

Бу муносабатлар маблағларнинг вақтинча бекор туриб қолиши билан бу маблағларга бўлган эҳтиёж ўртасидаги қарама-қаршилиқни бартараф этади. Бундай муносабатлар одатда кредит муносабатлари деб юритилади ва кредит муносабатлари асосида иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган кредит категорияси юзага келади.

Кредит орқали жамиятимизда қуйидаги ижобий натижаларга эришиш мумкин: биринчидан, фондлар айланиши жараёнида четга чиқиб бўш қолган маблағларнинг ҳаракатсиз туриб қолишининг олдини олинади;

иккинчидан, такрор ишлаб чиқаришни кенг доирада узлуксиз давом эттиришга имконият яратилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кредитнинг объектив зарурлиги такрор ишлаб чиқариш жараёнида фондларнинг доиравий айланиши қонуниятларига асослангандир.

Кредитга зарурият туғилганда, қуйидаги манбалардаги бўш маблағлардан кредит ресурслар сифатида фойдаланиш мумкин:

¹ Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув кулланма-Т. “ИQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 548 бет.

1. Асосий фондларни тиклаш, капитал таъмирлаш учун ажратиладиган амортизатсия сифатидаги пул маблағлари;
2. Товарларни сотиш ва янги моддий ресурсларни сотиб олиш вақтларининг бир-бирига мос келмаганлиги туфайли юзага келган бўш пул маблағлари;
3. Товарларни сотишдан тушган тушум билан иш ҳақини тўлаш вақтлари орасида вақтинча бўш туриб қолган пул маблағлари;
4. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида йиғиладиган ва капиталлаштириш учун мўлжалланган қўшимча маблағлар;
5. Шахсий сектор даромадлари, жамғармалари ва бошқа бўш пул маблағлари.

1.2. Кредит сиёсатининг мезонлари ва кредит турлари.

Ҳар қандай тижорат банки кредит сиёсатининг мақсади одатда қуйидагилардан иборат бўлади: кредит қўйилмалари ҳажмининг ўсишини, риск юқори бўлган операцияларнинг оқилона диверсифика - циясини, ўрта ва узоқ муддатли кредит қўйилмалари ҳажмини кескин кўпайтириш ва уларнинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган бўлади. Шунингдек, кредит сиёсат инвестицион кредитлар салмоғини ошириш, устун даражада иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш, ишлаб чиқариш корхоналарини молиявий қўллаб - қувватлаш каби асосий йўналишларни ҳам ўз ичига қамраб олган бўлиши лозим.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос "кредит тили"ни яратади ва у банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий сиёсат асосида берилган банк умумий кредитлаш фаолиятининг банк умумий кредитлаш фаолиятининг ривожланиши ва кредитларнинг самарали ишлатилиши учун замин яратади. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш, банк фаолияти меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, энг муҳими - барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаровонлигини оширади.

Масалан, аниқ бир тижорат банкнинг кредит сиёсатида кредит портфелини бошқаришнинг асосий йўналишлари қилиб қуйидагиларни белгилаб олинганлигини кўришимиз мумкин:

Булар:

- кредит рискларини даражасига таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш, уларни баҳолаш ва бартараф этиш;

- қарз олувчининг кредитга лаёқатлилиқ даражасини ва унинг молиявий аҳволини аниқлаш кредит рискинни башорат қилиш;
- муаммоли ссудаларни олдиндан аниқлаш ва уларни сўндириш чораларини ишлаб чиқиш;
- кредит қўйилмаларни диверсификация қилишни, уларнинг ликвидлилигини ва даромадлилилигини таъминлаш;
- кредит олган миждоз билан доимий алоқада бўлиб туриш;
- кичик ва ўрта тадбиркорликни, деҳқон ва фермер хўжаликларни молиявий қўллаб - қувватлашдан иборат.

Банк томонидан, хўжалик субъектларининг айланма маблағлари етишмаслиги, мавжуд маблағларнинг меъёрдан ортиқча тайёр маҳсулот қолдиқларига жалб қилиниши, маблағларнинг тайёр маҳсулот сифатида қотириб қўйиш сабабларини ўрганиб бориш, зарарга ишлаётган ва банкротлик аломатлари кўзга ташланаётган хўжалик субъектларининг молиявий аҳволини доимий мониторингини ташкил қилиш банк кредит сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Кредит сиёсати банк томонидан бериладиган кредитлар тоифаси ва турларини аниқлаши ва белгилаши лозим. Масалан, кредитлаш соҳалари бўйича: тижорат фаолияти, саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қўйилмаларни молиялаш ва бошқа тармоқларга кредит бериш, кредит турлари бўйича: "кредит линияларини очиб ва очмай" кредитлаш ёки кредитлашнинг бошқа усулларини қўллашни белгилаб бериши мумкин.

Кредит сиёсатида кредитларни таснифлаш тизими аниқ ифодаланиши лозим, кредит ходимлари кредит портфелидаги барча маълум бўлган салбий ўзгаришлар тўғрисида раҳбариятга хабар беришлари лозим. Қарздор ёки гаров аҳволи ёмонлашишини олдиндан аниқлаш эҳтимолий йўқотишларни камайтириш учун жуда муҳимдир.

Кредит сиёсати кредитларнинг барча тоифалари бўйича "тўловсизлик" тушунчасининг аниқ ифодаланиши, фоизларни ўстирмаслик мезонлари, шунингдек, банк Бошқаруви ва Кенгашининг тегишли ҳисоботларига нисбатан талабларни ўз ичига олиши лозим. Кредит сиёсатида қарзларни қайтаришга доир изчил, босқичма - босқич чора - адбирлар кўрилишини талаб қилиниши керак. Раҳбарият Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ кредитларни ҳисобдан чиқариш тадбирларини ишлаб чиқиши лозим.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш ва ижро этиш юзасидан жавобгарлик банк Кенгаши ва Бошқаруви аъзоларига юклатилган. Одатда тижорат банкнинг кредит сиёсати йўналишлари қуйидагилардан ташкил топиши мумкин:

- банк ўрни ва обрўсини молиявий - барқарор банклар сингари яхшилаш;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки нормативларига мувофиқ даражада ўз капиталининг етарлилигини таъминлаш;
- банкнинг самарадорлиги ва барқарорлигини қўллаб - қувватлаган ҳолда унинг даромадларининг максималлашувини таъминловчи аниқ кредит ва инвестиция сиёсатини ўтказиш;
- стратегик жиҳатдан муҳим бўлган шаҳар районларида янги омонат кассаларини очиш билан боғлиқ бўлган банк тармоғини кенгайтириш.

Кредитлаш жараёнида банк сиёсати банк олдидаги мажбуриятларни бажара оладиган мавжуд ва янги миждозларни кредит ресурслари билан таъминлаш, синф даражасидаги кредитларни тақдим этишни кенгайтириш ҳисобланади. Тижорат банки фойдалилилигини ҳисобга олган ҳолда халқаро стандартлар миқёсида миждозларга сифатли кредит хизматини тақдим этишга интилади. Шунинг учун банк - кредит сиёсатининг асосий тамойилларига қуйидагилар киритилган:

- кредитлаш тўғрисида қарорлар қабул қилишнинг барча даражалар бўйича жавобгарликни тақсимлаш;
- банк томонидан амалга ошириладиган кредит операциялари учун аниқ белгиланган шартларнинг мавжудлиги;
- махсус кредитлаш тамойиллари - муддатлилик, тўловлилик, қайтариб беришлилик, таъминланганлик ва рентабеллик асосида бериладиган кредитларни мажбурий назорат қилиш;
- банк бошқарувининг умумий сиёсати билан махсус фаолият йўналишлари сиёсати (яъни депозитлар бўйича, инвестиция бўйича, активлар ва пасивларни бошқариш бўйича ва ҳоказо) нинг узвий боғлиқлигидир.

Ҳозирги кунда кредит сиёсатини тузишда ҳар бир тижорат банки мустақил бўлиб, улар кредит сиёсатининг моҳияти, мақсади ва таркибини такомиллаштириб бормоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида банкларнинг фаолиятида хўжалик субъектларини кредитлаш функцияси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлганлиги учун банклар фаолиятининг самарадорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш учун авваламбор, банкларнинг кредит сиёсатини тўғри ишлаб чиқишга эътибор бериш зарур. Банклар оладиган даромадлар унинг актив операциялари натижасида, асосан кредит операциялар туфайли вужудга келиши банклар томонидан кредит сиёсатни оқилона танлаш ва ўтказишни тақозо қилади.

Кредит сиёсати банк стратегиясининг бир бўлаги сифатида кредит бозорида банкнинг ҳаракат қилишидан кўзлаган мақсадини, тамойилларини ва йўналишларини ўз ичига олади, тактик жиҳатдан эса молиявий ёки бошқа инструментларни, кредит битимларни амалга оширишдан банкнинг мақсадларига эришиш йўналишларини ва қоидаларини, ҳамда кредит жараёнини ташкил этиш тартибларини ишлаб чиқишни ўз ичига олади.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида хулоса қилиб айтганда, кредит сиёсати кредит рискларни камайтириш орқали банкнинг хавфсизлиги, ликвидлилиги ва рентабеллигини таъминлаш мақсадида кредитлаш бўйича олдиндан белгиланган қоида ва ечимлар мажмуаси асосида ташкил қилинган кредит портфелини бошқариш соҳасидаги банкнинг стратегия ва тактикасидир. Ҳар бир банк сиёсий, иқтисодий, ташкилий ва бошқа омилларни инобатга олган ҳолда мустақил ўзининг кредит сиёсатини ишлаб чиқиши ва олиб бориши мумкин.

Одатда ссуда операциялари банк фойдасининг асосий қисмини ташкил қилади. Шунининг инобатга олган ҳолда банклар ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишда ва олиб боришда ссуда операцияларидан келадиган даромад ва уларнинг самарали олиб борилишига катта эътибор беришлари лозим. Банкнинг кредит операцияларини олиб бориш ва уларнинг самарадорлиги учун жавоб бериш банкнинг директорлар кенгаши зиммасига юклатилади. Директорлар кенгаши кредитларни бериш билан боғлиқ вазифаларни бошқарувнинг куйи табақаларига юклайди. Кредит сиёсати ҳайъати кредитни қайси соҳаларга бериш, кредит беришнинг умумий тамойиллари, уни беришдаги чекланишлар ва бошқаларни ишлаб чиқади ҳамда шуларнинг амалга оширилишини назорат қилиб бориши лозим.

Хорижий давлатларнинг йирик банкларида ёзма равишда банкнинг кредит сиёсати тўғрисида меморандум ишлаб чиқилади ва барча банк ходимлари ўз фаолиятини шу меморандум асосида олиб боришлари зарур. Меморандумнинг таркиби ҳар бир банкнинг фаолият хусусиятини ҳисобга олган ҳолда ҳар хил бўлсада, у банк фаолиятининг асосий йўналишларини қай тариқада олиб боришни ўз ичига олади. Меморандумда олиб бориладиган сиёсатнинг асосан, яъни кўпроқ ишончли ва фойда келтирувчи кредитлар бериш, кредитлар беришда мавжуд кредит ресурсларни ҳисобга олиш, бериладиган кредитларнинг рисклилик даражасини ҳисобга олиш, кредит беришнинг охириги чегарасини белгилаб бериш ва бошқалар кўрсатилади.

Ҳужжатда қайси кредитларни бериш банк учун фойдали ва қайси кредитларни беришдан банк сақланиши лозимлиги, банк ходимларига кредитлар бериш, кредитларнинг сифатини назорат қилиш шакллари ва бошқалар кўрсатилади.

Бунинг учун қуйидагилар аниқланади:

- банк учун масъул бўлган кредитлар турлари;
- қандай кредитлар, беришдан банк ўзини тутиши;
- кўнгилдагидай бўлган қарзларнинг таркиби;
- кўнгилсиз қарзларнинг таркиби;
- банкнинг кредитлаш билан боғлиқ фаолияти доираси;
- банкнинг ўз ходимларига кредит бериш доирасидаги сиёсати;
- қарздорликнинг ҳар хил даражаларига кўра кредитларнинг ҳажмини қисқартириш;
- кредит рискинни бошқариш, текширув ва назорат доирасидаги банкнинг сиёсати.

Йирик бир америка банкларининг меморандуми схемаси 5 бўлимни, яъни умумий қоидалар, кредитлар категорияси, кредит сиёсатининг ҳар хил масалалари, кредит портфели сифати устидан назорат ҳамда банк қўмиталарини ўз ичига олади .

Кредит сиёсати бўйича меморандум умумий тавсия ва йўлланмаларини ўз ичига олади ва у банк ходимларининг амалий ишбилармонлигини чеклаб қўймасликни таъминлайди.

Ҳозирги кунда тижорат банклари мустақил равишда ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқадилар. Лекин амалиёт шуни кўрсатадики, баъзи банклар фаолиятида бу сиёсатни ишлаб чиқишда маълум камчиликларни кўриш мумкин . Биринчидан, кредит сиёсатини ишлаб чиқишда кўпроқ бош банклар актив роль ўйнаб улар ҳар доим ҳам банкнинг қуйи бўғинларининг кредит ишларини инобатга олмайдиган ҳолатларини учратиш мумкин.

Иккинчидан, банк салмоғи катта - кичиклигидан қатъий назар ҳар бир банк ходими банкнинг кредит сиёсатининг ҳеч бўлмаганда мақсади, умумий йўналишлари билан таниш бўлиши, уларнинг бажарилиши бўйича фаолият олиб бориш лозим.

Кўпгина тижорат банкларининг кредит сиёсатида асосий эътибор кредитлар бериши бўйича эркинлик, кредит турлари, кредитларни тўлаш, фоиз ставкалари, кредит бўйича гаров қиймати ва унинг баҳоси, мижоз тўғрисида молиявий ахборот, ўз вақтида тўланмаган ва муддати кечиктирилган кредитлар, банк кенгаши ва бошқарувчига бериладиган ҳисоботлар, кредитларнинг концентрацияси, алоқадор шахсларнинг ишлаш тамойиллари, рискни баҳолаш, кредит портфелини аудит қилиш каби йўналишларни ўз ичига олиши кўзда тутилган бўлсада, уларнинг моҳиятини очиқ беришда баъзи бир ноаниқликлар мавжуд эди.

Масалан, кредитларни концентрация қилиш тўғрисидаги йўналишида кредитларнинг тури, ҳудудий жойланиши ва бошқа белгилари бўйича концентрация қилиш лозим дейилса, яна шундай кредитлар концентрацияси банкларини катта зарарларга қуйиши мумкинлиги таъкидланади. Ҳақиқат мижозларнинг молиявий аҳволини ифодаловчи кредитга лаёқатлилиқ кўрсаткичлари тўғрисида маълумотларни ифодаловчи кредитнинг баҳоси ва самарадорлигини кўрсатувчи йўналишлар келтирилмаган. Тижорат банклари кредит сиёсатини ишлаб чиқишда иш йўналишлар бўйича аниқ маълумот ва ҳужжатларга эга бўлиши ва кредит сиёсати сифатида режалаштиришлари, бизнинг фикримизча, банкларни катта рисклардан олдиндан ҳимоя қилиши мумкин. Ундан ташқари юқорида келтирилган кредитни концентрациялаш бўлими ўрнига кредитларни диверсификациялаш ёки кредит портфелини бошқариш бўлими деб киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Банклар томонидан бериладиган кредитлар республикани иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга, инфраструктурани такомиллаштиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтирувчи соҳаларга йўналтирилган бўлиши керак.

Тижорат банкининг кредит сиёсати, кредит бозорини таҳлил қилиш ва энг кичик кредит рискка эга бўлган бозорларни аниқлаш; маблағларни депозитга жалб қилиш; кредитлаш жараёнида юқори самарадорликка эришиш; банкнинг депозит ва кредит портфелини бошқаришни оптималлаштириш; муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш; банкнинг ликвидлилиги ва тўловга лаёқатлилигини таъминлаш каби масалаларни ўз ичига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора - тадбирлар тўғрисида" ги 2000 йил 21 мартдаги фармони тижорат банкларининг фаолиятини олиб боришда ва уларнинг кредит сиёсатини тузишда тўла эркинлик ва мустақиллик берилишига йўл очиб берди. Эндиликда тижорат банклари ўзларининг мустақил кредит сиёсатини ишлаб чиқмоқдалар. Чунки ҳамма банклар учун тўғри келадиган, ягона кредит сиёсати мавжуд эмас эди. Алоҳида олинган тижорат банки унинг фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи рискларни инобатга олган ҳолда минтақа, вилоят, тумандаги иқтисодий, сиёсий, социал ҳолатдан келиб чиқиб ўз кредит сиёсатини ишлаб чиқишлари керак. Банкнинг аниқ кредит сиёсатига эга эмаслиги банк рискларини оширади. Кредит сиёсатининг аниқ эмаслиги белгилаб қўйилган вазифаларининг тўлиқ бажарилишига ва ундан кутилган самарага эришишга тўсқинлик қилади.

Банкнинг кредит сиёсатини олиб бориш, кредит портфелининг самарали натижасини таъминлашни кўзда тутганлиги учун банкларнинг кредит портфелини ташкил қилишга таъсир қилувчи омиллар ичида банклар хизмат кўрсатиш бозорининг ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан ҳар бир банк ўзи танлаган бозор секторидаги асосий мижозларнинг қарз маблағига бўлган талабини ҳисобга олиши керак.

Банкнинг фоиз сиёсати кредит сиёсатининг асосий бўлими ҳисобланади. Бу сиёсат турли кредитлар ва қарздорлар бўйича белгиланувчи фоиз ставкаларини аниқлашда фойдаланиладиган қуйидаги 3 омилларни ўз ичига олади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкаси;
2. кредит ресурслари (ўз ва жалб қилинган маблағлари) манбалари;
3. кредитлаш, қарздорлар турлари ва йўналишлари.

Жалб қилинган кредит ресурсларини бошқа тижорат банклари ҳамда марказлаштирилган фондларидан сотиб олиш сифатида фойдаланган ҳолда кредитлардан фойдаланиш учун фоизлар жалб қилинган ресурслар суммаси плус банк (даромади) маржаси орқали аниқланади. Бу 3 дан 7% миқдоргача ошмаслиги керак.

Гаров таъминоти бўйича талаблар аниқ сифатли характеристикаларга мос бўлиши керак, яъни (саклаш) узоқ муддат саклашнинг мавжудлиги; нархларнинг нисбатан барқарорлиги; гаровга қўйиладиган мулк, мулкнинг бозор талабларига мос келиши, ликвидлилиги ва бошқалар.

Фавқулодда ҳолатлар юз берадиган бўлса, гаров эгаси гаров мулкни ўз ҳисобидан унинг тўлиқ қийматини суғурта қилиш керак.

Гаровга олинган мулк қиймати кредит суммасига нисбатан 20% юқорироқ бўлиши даркор.

Тижорат банкларининг кредит тақдим этишдаги асосий вазифаси - омонатчиларнинг пулларини кимга ишониб топшириш мумкинлигини ҳал этишдан иборат. Бу фаолият ўта муҳим ва ўта таъсирчан жараён бўлиб, уни муваффақиятли амалга ошириш сармоя тузилмасидаги леверажни жиддий ошириш имконини беради. Банк кредитларни қачон, кимга ва қандай шартларда беришни аниқ белгилаб олиши шарт.

Банк фаолияти доимо турли рисклар билан боғлиқ. Шунинг учун кредитлар, депозитлар ва бошқа мажбуриятлар билан ўз маблағлари ўртасида мақбул мувозанатни сақлаш банкнинг энг

муҳим мақсадларидан биридир. Оқилона кредит сиёсати банк кредит портфелини сифат жиҳатдан тартибга солиш қўламини, маблағ олиш имконияти, энг юқори риск даражаси, ссуда портфели манбалари ва муддатлари бўйича мутаносиблигини, банк мажбуриятлари ва активлари тузилмасининг мослигини ҳисобга олиши керак. Кредит сиёсатининг асосий йўналишлари банк директорлари Кенгаши томонидан белгиланади.

Банк мураккаб ва мунтазам ўзгариб турадиган иқтисодий шароитларда, аввал ҳеч қачон дуч келинмаган ёки тўлиқ ҳал этилмаган вазифа (масалан, риск концепциясини ишлаб чиқиш ва ссудалар бўйича эҳтимолий йўқотишларни кўра билиш, кредитлар жамланиши ҳисобини юритиш ва иқтисодий шароитнинг қарздорлар даромадларига қанчалик таъсир кўрсатишини аниқлаш) кўндаланг турганида кредит сиёсатининг ўрни айниқса муҳимдир. Кредит сиёсатини ишлаб чиқиш фойда олиш ва самарали иш юритиш ҳолати сақланган ҳолда, бозор эҳтиёжлари қондириладиган энг юқори риск даражасини аниқлашни тақозо этади.

Кредит сиёсати банкнинг ўзига хос "Кредит тили" ни яратади. Бу сиёсат банк фаолияти ёмонлашганда ҳамда кредит ваколатлари ва мажбуриятлари ўзгарганда ҳуқуқни сақлаб қолиш учун катта аҳамият касб этади. Қатъий сиёсат асосида яратилган кредит тили банк умумий кредит сиёсатининг ривожланиши учун замин яратади. Масъулиятли шахслар кредит сиёсати билан танишишлари ҳамда унга тўлиқ мувофиқ ишлашлари шарт. Кредитларни танлаб, тасдиқланганида ва ҳатто берилгандан кейин ҳам уларга қатъий риоя этиш зарур. Улар ташки ва ички аудиторлар, мустақил кредитни таҳлил қилиш хизматлари, директорлар Кенгаши ва тартибга солиш органлари томонидан назорат этилади.

Кредит сиёсатидаги ҳар қандай четланиш тўлиқ ҳужжатлаштирилиши, асосланиши ва истиснолар кўрсатилиши керак.

Шу тариқа, кредит сиёсатини қатъий ва батафсил ишлаб чиқиш ҳар қандай банк учун катта аҳамият касб этади ва у кредитлаш тадбирларини мазмунини аёнлаштиради. Бу тадбирларни амалга оширадиган ходимлар мажбуриятларни белгилаб беради. Кредит сиёсати қоидаларига риоя этиш банкнинг асосий мақсадлари: фойда олишни таъминлаш, рискларни бошқариш, банк меъёрларига риоя этишга эришиш имконини беради.

Кредит сиёсатининг мавжудлиги, энг муҳими - барча даражаларда ишлаб чиқилган сиёсатга риоя этиш банк ссуда портфелини сифатли бошқариш учун асос бўлади. Бу эса ўз навбатида, унинг қарздорлари ва акциядорлари фойдасини кўпайтиради ва фаровонлигини оширади.

Тижорат банкларидан бериладиган кредитлар асосан қуйидаги турларда бўлади.

1 Кредит бериш муддатига қараб

1. Киска муддатли кредит (1 йилгача)
2. Ўрта муддатли кредит (1 - 3 йилгача)
3. Узок муддатли кредит (3 ва ундан юқори)

2 Кредитлаш объектларининг иқтисодий моҳиятига қараб

1. Товар моддий бойликлари учун бериладиган кредитлар
2. Ишлаб чиқариш харажатлари (маҳсулотнинг янги турини ўзлаштириш, мавсумий харажатларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар) учун бериладиган кредитлар
3. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун бериладиган кредитлар (аккредитив очилганда, тайёр маҳсулотни жунатганда ва б.)

3 Тулаш муддатига қараб

1. Муддатли кредитлар
2. Муддати кечиктирилган (пролонгация килинган) кредитлар
3. Муддати ўтиб кетган кредитлар

4 Кредитни тулаш манбаларига қараб

1. Қарз олувчининг уз маблағлари ҳисобидан таъминланадиган кредитлар

2. Грант маблағлар ҳисобидан
3. Янги кредитларни жалб қилиш ҳисобидан
- 5 Т аъминланганлик даражасига караб
1. Бевосита тугри таъминланган кредитлар
2. Билвосита (бирор корхона ва ташкилот ҳисобидан) таъминланган кредитлар
3. Таъминланган кредитлар
- 6 Туланган фоиз даражасига караб
1. Ўртача (меъёри) фоизли ставка
2. Юкори фоизли ставкадаги кредитлар
3. Паст фоизли ставкадаги кредитлар
4. Фоизсиз кредитлар.

Тадқиқот мавзуимизга бевосита таълуқли бўлган кредитларнинг муддати бўйича туркумланувчи қисқа муддатли (кредит беришда кредитлар бир неча ойдан бир йилгача булган муддатда берилади) кредитларга эътибор қаратадиган бўлсак, улар одатда қуйидаги мақсадларда фойдаланиш учун жалб қилиниши мумкин:

- айланма капитални тулдирувчи;
- қурилиш мақсадида олинадиган «оралик»;
- кимматли коғозлар дилерларига бериладиган;
- чакана савдо билан шугулланувчи шахсларга бериладиган;
- уз активлари ҳисобидан таъминловчи (дебиторлик қарзлари, факторинг ва товар-моддий захиралари билан таъминланган) кредитлар деб юритилади.

1.3. Кредитлаш тамойиллари ва кредит бериш тартиблари

Кредит ва кредитлашнинг ўзига хос қоидалари борки, улар махсус тамойилларда ифода этилади. Булар:

- кредитнинг қайтувчанлиги;
- кредитнинг муддатлилиги;
- кредитнинг таъминланганлиги;
- кредитнинг мақсадлилиги ;
- кредитнинг тўловлилиги;

дир. Мижоз мазкур иш билан фақатгина бир неча ой банд булса ва яшаш жойда қисқа вақт ичида турган булса, кредит мутахассиси бундай мижозга кредит беришни рад қилиши мумкин.

Қарзни тўлаш босқичлари таҳлил қилинганда, мижознинг йиллик ва ойлик даромади аникланади. Бунинг маъноси шуки, кредит мутахассиси қарзнинг ҳар бир қисмини ўз вақтида тўлиқ қайтарилишини таъминлаш учун мижознинг хатти-ҳаракатини назорат қилади ва бу билан мижознинг уз маблағларини бошқариш қобилиятини ўрганади.

Банк кредитини қайтариш омилларидан бири, кредитнинг таъминланганлигидир, яъни мижозга тегишли уй, бино, иншоотнинг мавжудлигидир. Бундан ташқари, телефоннинг мавжудлиги ҳам бирон бир муаммо пайдо булганда, банкка мижоз билан харажатсиз боғланиш имкониятини беради.

Барча омиллар ичида энг асосийси, мижоз маълумотларининг тўлақонлилиги, мижознинг самимийлиги ва ростиғлигидир. Чунки мижоз ўзининг соғлиги, келажакдаги бандлиги тўғрисидаги нотўғри маълумот берса, банк бундан катта зарар кўриши мумкин.

Шунинг учун истеъмол кредитларидан қутиладиган йўқотишларни камайтиришнинг асосий воситаси ликвид гаров ва кафолатларнинг мавжудлигидир.

Кредит талабномасининг қуйидаги кўрсаткичлари сифат индикатори бўлиб хизмат қилади. Булар мижознинг:

- фаолият соҳаси, машғулот тури;
- ёши, оилавий аҳволи;
- уй-жой билан таъминланганлиги;
- кредит бўйича рейтинг баҳоси;
- фаолияти ва унинг давомийлиги;

- сўнги манзилда яшаш муддати;
- телефони;
- карамогидаги шахслар сони;
- банкдаги ҳисобварақлари раками;
- даромад даражаси.

Жаҳон банк амалиётида кредит мутахассиси кредит талабномасини таҳлил килишда кредит скоринги тизимидан фойдаланади. Мазкур тизим кредит талабномасининг ҳар бир бандига алоҳида баҳо беришга асосланган. ҳозирги вақтда жаҳон банк амалиётида кредит талабномасини баҳолашда балл тизимининг куйидаги шкалалари қўлланилмоқда.

Кредит бериш ёки бермаслик тугрисида²

карор

28 гача

29 - 30

31-33

34 - 36

37 - 38

39 - 40

41 -43

Кредит бериш рад этилсин

500 \$гача кредит бериш мумкин

1000 \$гача кредит бериш мумкин

2500 \$гача кредит бериш мумкин

3500 \$гача кредит бериш мумкин

5000 \$гача кредит бериш мумкин

8000 \$гача кредит бериш мумкин

Бироқ балл тизимининг бундай шакли қўлланганда, банк уз мижозларини йўқотиши мумкин. Чунки мижозлар ўзларининг кредит талабномаларини банк нотугри баҳолаган, деган хулосага келиб, мазкур банк хизматидан фойдаланишидан бош тортиши мумкин.

Бундан ташқари, талабноманинг конунга ҳилоф равишда баҳоланиши натижасида, мижоз банк устидан судга ариза бериши мумкин. Бундай шароитда банк ўзи қўйган ҳар бир балл баҳони далиллар билан исботлаб беришига тугри келади. Баллик баҳо қўйишда банк юмшоқ баҳо сиёсатидан фойдаланмаса, ўзи жуда мушкул аҳволда қолиши мумкин.

Кредит инспектори ипотека кредити учун берилган талабномаларни баҳолашда куйидагиларга эътибор бериши лозим:

1. Қарздор тўлаши керак бўлган кредит миқдори билан гаров мулки харид баҳоси миқдорининг нисбати кредитор учун ипотека кредитининг энг муҳим ишончлилик омилidir. Олинаётган кредит миқдори гаров мулки баҳосидан анча юқори бўлиб, қарздор шартноманинг барча талабларини бажаришда масъулиятсиз бўлса, унинг шахсий мулки баҳоси кредит баҳосини копламайди ва банк катта зарар кўради. Агар гаров харид баҳоси кредит миқдорининг 90 фоизини ташкил қилса, гаров сугуртаси муҳим ўрин тутди ва кредитор қарздор хусусияти ва масъулияти хиссини баҳолашда анча талабчан бўлиши лозим.

2. Ипотека кредити берилиши натижасида қарздор банкда яна бошқа операцияларни ҳам амалга ошириши мумкин. Масалан, депозит маблағлари ҳисобига уй-жойни таъмирлаш учун кредит олиши мумкин. Шу туфайли ипотека кредити берилганда, кредитор қарздор билан бўладиган барча муносабатларни ҳам эътиборга олиши лозим.

3. Мижоз депозит ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғининг барқарорлиги бериладиган ипотека кредитлари миқдори ва турларининг асосий омилidir. Барқарор депозит базасига эга банклар ипотека кредитлаш сиёсатини изчил олиб бориш ва узок муддатга ката миқдордаги ипотека кредитлари бериш имкониятига эга бўладилар;

4. Кучмас мулк асосида кредитлаш кредит инспекторидан кредит талабномасини таҳлил килишда куйидагиларга алоҳида эътибор беришни талаб қилади:

² Абдуллаев Ё., Қоралиев Т., Тошмуродов Ш., Абдуллаева С. Банк иши. Ўқув кулланма-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 йил, 548 бет.

- Мижоз даромадининг ҳажми ва барқарорлиги, айниқса ипотека кредити миқдори ва кредитни коплаш учун йўналтирилган маблаг миқдори.
- Мижоз жамгармаси миқдори ва бирламчи тулов манбаи. Агар ушбу тулов миқдори жамгарма миқдорининг камайишига олиб келса, бунинг натижасида фавқулодда шароитларда, масалан, касаллик ёки оила аъзосининг ишсиз қолиши туфайли мижознинг зарур бўлиб қолиш эҳтимоли бўлган ликвид активлари қисқариб кетади.
- Гаров мулкка қарздорнинг муносабати. Агар мижоз гаров мулкни ўрнатилган талаблар даражасида сақламаса, у кредитни тулик қайтара олмай, гаров мулкни қайтариб олиш ҳукукини йўқотганда, банк унга гаров мулк баҳосининг ортиқча миқдорини керакли кийматда қайтара олмайди.
- Ипотека кредитига ўрнатилган фоиз ставкасининг тури. Агар ипотека кредитига сузиб юривчи фоиз ставкаси ўрнатилган бўлса, фоиз ставкасининг узгариши натижасида сузиб юривчи фоиз ставкаси ўрнатилган гаровдан кура таянч фоиз ставкаси ўрнатилган гаровни сотиш анча қулайдир.
- Маҳаллий кучмас мулк бозоридаги сотув ҳажми (агар мулк банк ихтиёрига ўтса). Иктисодий таназзул вақтида кучмас мулкка бўлган талабдан таклиф ошиб кетади ва банк ўзининг маблағини қайтариб олиш учун вақт керак бўлади.

2.1.Банкларда қисқа мудатли кредитлаш статистикаси

Хўжалик ҳисоботлари қисқа мудатли кредитлаш кредит муассасаларининг асосий функцияларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Қисқа мудатли кредитлаш статистикаси деганда - қисқа муддатга кредитлар бериш, унинг ишлатилиши устидан назорат ўрнатиш ва қайтишини текширишга айтилади. Қисқа муддатли кредитлаш бўйича миқдорий тавсияномани статистика ҳисобот тузиш даврида олиб бориладиган статистик кузатишдан олиш мумкин.

Ҳисоботларнинг таҳлил қилиш жатуманида кредитлаш жатуманинг қонунийлиги ва унинг кредит муносабатларини ва пул муоммаласини бошқаришдан аҳамиятини билишимиз мумкин.

Қисқа муддатли кредитлаш статистиканинг асосий вазифаси:

1) Банкларда қисқа муддатли кредитлашни амалга ошириш бўйича ҳисоб-китобларни ташкил қилиш. Бунинг учун банкларда кредитлаш объектлари классификациялаштирилади; Ҳар бир объектга шифр берилди. Бу статистика ҳисобот туришга ва уларнинг таҳлил қилишга ёрдам беради.

2) Хўжалик ҳисоботлари кредитлаш ёрдамида айрим кўрсаткичларни гуруҳлаш ва ҳисоб – китоб қилиш методикасини ишлаб чиқиш. Масалан, кредит бўйича қарздорликларни объектлари бўйича ва ҳар бир қарздор бўйича аниқ билиш. (территориал белгиси). Ҳамда кредитларнинг бериш ва қайтариш айрим кўрсаткичлар билиш учун. Бошқача қилиб айтганда кредитли статистиканинг асосий вазифаси: Хўжалик ҳисоботи ва аҳоли қўллардаги вақтинча бўш турган пул маблағларидан тўғри ва унумли фойдаланиш, кредитлашнинг асосий принципларини янги тўловлик, ўз вақтида қайтариш, муддатлилиқ каби принципларини амалга оширишга қаратилган.

Кредитлаш жатуманида банк муассаси назорат ва ҳисоб-китоб олиб боради. Булар орқали статистик ҳисоб тузиш учун маълумот олади. Мазмуни ҳисоботлар бир неча турга бўлинади; кредитлашнинг мақсадлилигидан бошлаб то иқтисодий чора қўллашгача.

Статистик ҳисоботлар ҳозирги вақтда машинада ишлатилиш сабабли улар маълум тартибда кодлаштирилади буларни бошқача статистик ҳисобот номенклатураси дейилади.

Ҳисобот номенклатураси ҳар бир икки тартибли баланс счетлари бўйича (ссуда счетларининг) очилиб, бу битта вазирликка тегишли корхоналарни қарздорликларни ҳисоблаш учун қўлланилади. Бундан ташқари ҳисоботда битта вазирликка тегишли тармоқнинг тармоқчалари бўйича ҳам қарздорликлар кўрсатилади. Шунинг учун ҳам ҳисобот номенклатураси қўйидаги маълумотларни ўзида мужасамлаштиради:

- Кредитлаш объекти шифри
- Тармоқ шифри ёки коди (кодлаштириш учун икки рақамли комерлаштирилади)

Тармоқ шифрлари бўлишида ушбу тармоққа умумдават классификациясида берилган шифр рақами. Тармоқ белгиси бўлишида ушбу тармоқча тегишли тармоқча белги (энгил саноат – пахта тозалашсаноати) ёки унга бериш шифр № кўрсатилади.

Кредит шифрида эса берилган кредитнинг қайси объектга берилгани бўйича шифр рақами кўрсатилади. Бу номенклатурадан банк муассаси ҳисобот тузиш жатуманида фойдаланилади. Кредитлаш бўйича ҳисоботларни шу корхонага хизмат кўрсатаётган бухгалтерия ходимлари томонидан тузилади. Маълумотлар учун асос бўлиб ссуда сечтларнинг шахсий счетлари (шахсий счетлар) ҳисобланади.

Ҳисобот тузишдан олдин ҳар бир белги бўйича қарздорликни ҳисобга олиш учун гуруҳлаштириш ўтказиш лозим. Сабаби ҳар бир вазирликка тегишли бир неча корхона хизмат қилиш мумкин. Гуруҳлаштириш қўйидаги тартибда олиб борилади:

- Шахсий счетларни ҳар бирини ИИ тартибли баланс счетини № бўйича ва ҳар бир баланс счетини кредит шифри бўйича ва уни ичида ҳар бир белги бўйича жойлаштириш керак.
- Битта шифрга ва белгига тегишли шахсий счетларни йиғиб олиш керак.

Йиғилган ва тайёрланган маълумотлар асосида № 722 назариядаги “Қисқа” статистик ҳисобот тузилади. Бу ҳисобот ҳар ойнинг биринчи санасига туман бўлим ва вилоят бошқармаларида тузилади.

Корхона ташкилотларнинг номи Баланс счети № Кредит шифри Белги Сумма
331 10 01 300000

Бу ҳисобот маълумотлари телеграф орқали ҳам юқори ташкилотга ўзатиш мумкин. Бунда:

1. Хисобот формасининг рақами
2. ИИ тартибли баланс счетининг рақами 331
3. Шифр, белги – бир ҳил
4. ИИ тартибли баланс счетининг умумийси белги “О”

Хисобот ҳўжаликлари бўйича ҳужжатлар айланишининг ўртача тезлиги. Ўртача орифметик тортилган формула билан топилади. Ҳўжалик фаолияти шароитида корхона кредитини вақтида қайтариш бўйича молиявий қийинчилик юзага келиши мумкин. Объектив бошқариш ва рентал бўлимларида ҳар ойнинг 1 санасига муддати ўтган ссудалар бўйича ҳисобот тўғилади. Бу ҳисобот ўзига хос хусусияти шундан иборатки унга ҳамма турдаги ўз вақтида тўланмаган қарздорликлар нафақат ссудалар бўйича балки вақтида тўланмаган ҳисоб-китоблар ҳўжатларининг маълумотлари киритилади.

Хисоботнинг номи № 721 “Банкнинг ссудалари бўйича муддати” ўтказилган қарздорликлар қолдиғи ва ўз вақтида тўланмаган ҳужжатлар қолдиғи. Хисобот муддати ўтган ссудалар бўйича ушбу қарздорлиги бор корхоналар бўйича гуруҳлаштирилади (тармоқлар асосий турлари бўйича) худди 722 формаси каби. Бу ҳисобот ҳам бухгалтерия ҳодимлари тамонидан тузилади. Хисоботга маълумот манбаси бўлиб муддати ўтган ссудалар шахсий счетнинг маълумоти ҳисобланади.

Буларга № 620 билан 622 ва ҳоқозолар ИИ тартибли баланс счетлари тартиб рақами бўйича ва ҳар бир счет ичида белгилар бўйича жойлаштирилади. Хисобот юқори ташкилотга телеграфда жунатилади. Хисобот муддати ўтган қарздорликларнинг турли гуруҳлардаги белгилари бўйича кўриб чиқилади. Буларга:

1. Тармоқ белгиси бўйича
2. Худуд белгиси бўйича

№721 ҳисобот формасида ташқари албатта бошқармасида ҳар кварталда муддати ўтган ссудага ўтказилган қарздорликлар ва қайтарилган қарздорликлар бўйича маълумотлар тақдим қилинади (дебет объект 620 ва муддатли кредитлар счетининг кредит обороти).

Бу маълумотлар алоҳида ҳисобот формаси бўлмай балки №707 формадаги ҳисобот таркибида кўрсатилади.

Форма 707 “Айрим баланс ва балансдан ташқари счетларнинг оборотлари бўйича ҳисобот”. Кредитларнинг таъминланганлиги текшириш бўйича ҳисобот. Республика бўлими ва объекти бошқармалари тамонидан йилга 2 марта кредитларининг таъминланганлиги текшириш натижаларига кўра 1 январь ва 1 июлга №711 формадаги ҳисобот тузилади.

Форма 711 “Қисқа муддатли корхоналар қарздорликларни” таъминланганлиги текшириш натижалари бўйича ҳисобот. Бу ҳисобот кредит ҳодимлари тамонидан тузилади. Хисоботда тармоқ наминал бўйича таъминланганлигини текшириш натижалари маълумотлари ўз аксини топади. Хисоботга маълумотлар кўйидаги тартибда кўрсатилади.

Ссуда смети № ҳақиқий қарздорликни текширув ортиқча таъминланганлик таъминланганликка етишмаслик Таъминланганлик етишмовчилиги қаторида Ортиқчаси ва бошқа кўрсаткичлар туридан Х/К смети –дан кечиктириш ўтказилади. Агарда таъминланган иш бўйича текширувда қарздорликнинг барча суммасини ўзида мужасамлаштира унда банк бу камчиликлари сабабли ҳисобот билан бирга аниқланади. Бундан ташқари таъминланган қарздорликлар сабаблари аниқланади. Хисобот тузиш учун манба бўлиб, корхоналар бухгалтерия баланслари ва шахсий счет қолдиқлари ҳисобланади. Хисобот маълумотларига асосланиб текширилган қарздорликларини нисбий даражалари аниқланади.

Банкларнинг кредит амалларини олиб боришларида кредитланган тарихларга нисбатан кўпгина чоралар қўлланилиши мумкин. Юқоридаги чоралар тўғрисидаги маълумотлар айрим ҳисобида ҳисобот олиб борилади.

Бу ҳисобот №778 корхона банк тамонидан қўлланган иқтисодий чора тўғрисидаги ҳисобот бўлиб, бу банк бўлимлари ва вилоят бошқармалари тамонидан йиллига 2 – марта тузиб борилади.

- 1 июлга ярим йиллик
 - 1 январга
 - 1 январдаги ҳисоботнинг 1 июлдаги фарқи маълумотларнинг тўлиқ бўлишлиги билан фарқланади.
- Июлдаги ҳисоботда:

1. Кредитланаётган корхоналар қайсики режа кўрсаткичлари шу даврда бажарилган.
2. Каттиқ кредитлашга ўтилган корхоналар

3. Каттиқ кредитлаш тизимида иқтисодий чора қўлланган корхоналар
4. Каттиқ режа қўлланмасдан кредитланган нарх.
5. Йиллик ҳисоботда умумий қўлланилган иқтисодий чоралар турлари бўйича шифрланган бўлади.

Кредитлаш бўйича ҳисоботлар таҳлилида таҳлилнинг вазифаси ва маълумотларга асосланиб турли хил кўрсаткичлардан фойдаланилади. Буларга:

1. Кредит муносабатларининг динамикасини, яъни ўсиш (камайтиши) суръатлари, ҳажмини бу муносабатларда иштирок этувчилар таркибини ҳаракатлантирувчи кўрсаткичлар.
2. Кредитларнинг ўртача ҳажми.
3. Кредитларнинг ўртача муддати.
4. Кредит сифатида берилган маблағларнинг ўртача айланишлар сони.
5. Кредитнинг самарадорлигини ҳарактерловчи кўрсаткичлар.

Кредит муносабатларининг динамикасини, яъни суръатларини, ҳажмини, бу муносабатларида иштирок этувчилар таркибини ҳарактерловчи кўрсаткичлар (оддий усулда абсолют сумма сонда). Кредитларнинг ўртача ҳажми кўрсаткичи, бир корхонага турли муддатлар билан, турли ҳажмида кредитлар берилган ҳолларда (ўртача тортилган формулалар).

Кредитларнинг ўртача муддати кўрсаткичи ҳам корхоналарга турли муддатларда ва турли ҳажмларда берилган кредитларининг ўртача муддатини аниқлаш учун ҳисобланади ва бу кўрсаткичлар ҳисобланади ҳар ўртача орифметик тортиладиган формула қўлланилади. Шунини айтиш лозимки кредитлар самарадорлигини аниқлашда яна бир кредитнинг ўртача муддати кўрсаткичи борки бу кўрсаткич 1-корхонага кредитлар берилиши ва уларнинг қайтарилиши муддатлари ўртасидаги фарқни аниқлашда қўлланилади. Бу кўрсаткични кредитнинг айланиш тезлиги деб ҳам айтилади ва у қўйидагича формула билан ифодаланилади:

$$A_{\text{пул}} = \frac{K}{K} \cdot K$$

- Ўқ-қиска муддатли ссудалар бўйича йиллик ўртача қолдиқ.
- Қ-белгилаш даврида қайтариб берилган кредитлар миқдори бу кўрсаткич қўйидагича аниқланади.
- К-Қиска муддатли кредитлаш счетлари кредит обороти муддати ўзайтирилган кредитлар четининг дебит обороти

Кредитлар сифатида берилган маблағларнинг ўртача айланишлар сони ҳам юқоридаги кўрсаткичлари сингари ўртача арифметик татибида формула билан ифодаланилади.

$$H = \frac{A}{K} \cdot 12$$

н- айланишлар сони бўлиб $u_n = \Phi$ ёки Φ билан топилади. Сўнгра ўртача айланишлар сони топилади (н)

К-Қиска муддатли кредитлар самарадорлиги ҳарактерланади:

-умумий қиска муддатли кредит таркибида муддат ўзайган кредит салмоғи кўрсаткичлари.

Демак тижорат банкларида қиска муддатли кедитларнинг қайтарилиши, уларнинг разорат, қайтарилиши ва бошқа бир қанча крсаткичларини ҳисоблаш назарияси ишлаб чиқилган бўлиб, бу тижорат банклари учун қиска муддатли кредитларнинг кредит портфелидаги аҳамиятини яққол намоён этади. Чунки, қиска муддатли кредитлар тижорат банклари активининг тез ва самарали ҳаракатининг асоси бўлиб ҳисобланади.

2.2. АТ «Асака» банкда қиска муддатли кредитларнинг ўрни ва кредитлаш қобилияти таҳлили.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда тижорат банкларининг ўрни муҳим аҳамиятга эга, бунда тижорат банклари ўзларининг кредитлаш амалиёти билан иқтисодиётнинг реал секторларини молиялаш орқали уни ривожлантириш жараёнини янада тезлаштиради. Бу ўринда тижорат банклари ўзларининг кредит портфелларини чуқур таҳлил қилган ҳолда сиффатини ошириб бориш ва уни самарали бошқариш лозим бўлади.

Битирув малакавий ишининг таҳлил булими АТ “Асака банки”нинг Қашқадарё вилояти филиали мисолида кўриб чиқиладиганлиги учун, мазкур банкнинг 2009-2012 йиллардаги баланс ва ҳисобот маълумотларидан фойдаланилди.


**АТБ “Пахта банки” Қашқадарё вилояти филиалининг 2009-2012 йиллар давомида
кредитлар салмоғи ва улардан олинган даромадлар салмоғининг ўзгариши тўғрисида
маълумот.³**

№1 жадвал

КЎРСАТКИЧЛАР НОМИ	31.12.2009 (млрд.сўм)	31.12.2010 (млрд. сўм)	31.12.2011 (млрд.сўм)	31.12.2012 (млрд. сўм)
Такдим қилинган ссудалар миқдорининг ўтган йилга нисбатан ўзгариши	3,836	3,167	14,565	6,442
Ссудалардан олинган фоизли даромадларнинг ўтган йилга нисбатан ўзгариши	0,418	-0,106	1,146	-0,462

Жадвалмаълумотларини яхшироқ тасаввур қилиш учун №1 жадвал маълумотлари асосида қуйидаги диаграммани ҳосил қиламиз.

(2.2.1. диаграмма)



Юқоридаги маълумотларига асосланиб қўйидагиларни белгилаб ўтиш мумкин: 2009 йил 31 декабр ҳолатига такдим қилинган кредитлар салмоғи 3.836 млрд. сўмга ошган бўлса, улардан олинадиган фоиз 418 млн. сўмга ошган; 2010 йил 31 декабр ҳолатига кредитлар миқдори 3.167 млрд. сўмга ошган бўлсада, улардан олинган фоизли даромадлар миқдори 106 млн. сўмга камайган, 2011 йилда жами такдим қилинган кредитлар кўлами 14.565 млрд. сўмга ошган бўлиб, улардан олинган фоизли даромадлар 1.146 млрд. сўмга кўпайган, 2012 йилнинг 31 декабр ҳолатига жами кредитлар 6.442 млрд. сўмга ошган бўлсада, улардан олинган фоизли даромадлар миқдори 462 млн. сўмга камайган. Бунда охириги 5 йил давомида такдим қилинган кредитлар салмоғи ошганлигига қарамасдан улардан олинадиган фоизли даромадлар миқдори мутаносиб равишда ўсмаган, ҳатто 2009 ва 2011 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлган. Мазкур ҳолатни ўз вақтида чуқур таҳлил қилиш ва уни бартараф қилиш юзасидан банк томонидан чоратadbирлар амалга оширилмаса, банк кредит портфелининг сиффати салбий ҳолатга келиб қолиши ва бунинг натижасида банкда муаммоли активлар миқдори ошиши ва ҳаттоки, ресурслар йўқотилиши мумкин.

Биз қуйидаги жадваллар орқали «Асака банк»нинг кредит портфелининг тармоқ хусусиятини кўриб чиқамиз.

2-жадвал

АТ «Асака банк» кредит портфелининг тармоқ хусусияти.⁴

(Фоизда)

N	Тармоқлар	01.01.2010 й	01.01.2011 й	01.01.2012 й
----------	------------------	---------------------	---------------------	---------------------


³ АТ «Асака» банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

⁴ АТ «Асака» банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

1	Саноат	29,6	39,7	26,6
2	қишлоқ хўжалиги	24,4	23,8	48,5
3	Моддий-техника таъминоти	16,4	12,7	12,7
4	Савдо	8,0	9,1	6
5	Қурилиш	1,4	0,9	0,8
6	Транспорт	0,5	0,4	0,2
7	Бошқа тармоқлар	19,7	13,4	5,2
	Жами	100,0	100,0	100,0

2-жадвал маълумотларини яхшироқ тасаввур этиш учун қуйидаги диаграммани жадвал маълумотларига асосланиб ҳосил қиламиз.

(2.2.2 диаграмма)



Маълумотлардан кўринадики, «Асака банк» кредитларининг 48 фоиздан ортиқ қисми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи жамоа хўжаликларига, 12,7 фоизи моддий-техника таъминоти корхоналарига, 26,6 фоизи саноат корхоналарига берилган. Бу эса, банк кредит портфелининг диверсификация даражасини паст эканлигидан далолат беради. Халқаробанк амалиётида тижорат банклари кредитларининг 30 фоиздан ортиқ қисмини битта тармоқда тўпланиши юқори кредит рискин юзага келтирувчи омил ҳисобланади. Кўриб турганимиздек, «Асака банк» кредитларининг 61,2 фоизи бевосита қишлоқ хўжалиги ва унга боғлиқ тармоқларда тўпланган.

Юқорида кайд этилган ҳолатлар кредитлаш жараёнида тармоқ лимитларидан фойдаланишни зарур қилиб қўяди. Банклар тармоқ лимитини аниқлаш масаласига турлича ёндошадилар. Лекин уларнинг амалиётда қўллаётган лимитлари, умумий мазмунига кўра, икки гуруҳга бўлинади:

1. Тармоқ лимитлари.
2. Битта мижозни кредитлаш лимитлари.

Тижорат банклари ўзларининг кредит портфелининг сифатини яхшилаш мақсадида мижозларни кредитлашнинг нафақат индивидуал рискларини, балки рискларнинг бир қатор умумий категорияларини ҳам таҳлил қилишлари шарт. Шунинг учун ҳам алоҳида мижозларнинг кредитлаш лимитлари билан бир қаторда, кредит рискига учраш даражаси бир хил бўлган мижозлар гуруҳи учун кредитлаш лимитлари ўрнатилади. Бу лимитлар битта тармоққа мансуб корхоналарга банкни боғлиқ бўлиб қолмаслигини олдини олиш мақсадида ўрнатилади. Амалиётдан маълумки, айрим тармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси маълум бир вақт оралиғида юқорилигича қолади, айти вақтда, бошқатармоққа мансуб корхоналарда рентабеллик даражаси анча паст бўлади. Банк амалиётида бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалиги, Авиация саноати корхоналарининг рентабеллик даражаси паст. Бундай тармоқ корхоналарида банк кредитларининг юқори даражада тўпланиши банкларга сезиларли зарар келтириши мумкин.

Тармоқ лимитларини белгилашда таҳлил қилинаётган тармоқнинг жорий ҳолатини, ривожланиш истиқболларини, технологик ўзгаришларининг барқарорлик даражасини, тармоқда асосий харажат турларининг ўзгариши каби ҳолатларни баҳолаш зарур.

Тармоқ рискларини баҳолаш усулларини ишлаб чиқишда банклар ссудаларини беришда юзага келадиган, юқорида таъкидланган рискларга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш зарур. Бундай таҳлил натижасида ушбу омилларнинг таъсирини ҳисобга олиш учун тегишли тизим қабул қилинади.

Халқаро банк амалиётида бундай тизим сифатида балларни ҳисоблаш тизимидан кенг фойдаланилади. Таъсир қилувчи омилларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқиш асосида тармоқ учун рискнинг умумий рейтинг аниқланади. Тармоқ рискининг лимити белгиланган ссуда сўммасига нисбатан мутлақ сўммада ёки маълум фоизда белгилаб қўйиш лозим. Масалан, банк риск лимитини қишлоқ хўжалигига нисбатан белгиланган кредитларнинг 10 фоизи миқдорида белгилаб қўйиш мумкин.

Республикамиз банк амалиётида шунга ўхшаш тизимнинг йўқлиги иқтисодиёт тармоқлари бўйича мутлақ сўммада ёки фоизда лимитлар ўрнатилмаслигига олиб келган.

Тармоқ рискин аниқлагандан сунг банк тармоқ лимитлари асосида кредитлар бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Банкнинг битта миқозга нисбатан кредитлаш лимитини аниқлашда қуйидаги омилларни ҳисобга олиши шарт деб ҳисоблаймиз.

- миқоз қорхона раҳбарининг репутацияси;
- миқознинг активлари ва пасивларининг таркиби;
- миқознинг молиявий барқарорлиги;
- миқоз қорхонанинг ривожланиш истиқболлари;
- банкнинг миқоз билан ўзаро муносабатлари;
- миллий иқтисодиётнинг умумий жорий ҳолати;

-Марказий банкнинг тижорат банкларини кредитлаш амалиётига нисбатан қўйган директив талаблари.

Тижорат банклари битта миқозга нисбатан белгиланадиган кредитлаш лимитларини миқозга кўрсатиладиган хизмат турига боғлиқ равишда белгилашлари ҳам мумкин. Чунки, улар битта миқознинг ўзига бир-неча турдаги кредит хизматларини кўрсатади. Бунда кредитлаштириш лимитларини ҳар бир маҳсулот тури бўйича белгилаш мумкин ёки бу лимитларни битта умумий лимит сифатида белгилаш ҳам мумкин. Ҳар бир кредит маҳсулоти бўйича алоҳида лимит ўрнатилганда лимитларни турли амалиёт бўлинмалари ўртасида қайта таксимлаш тизими жорий этилади.

Бундай тизим банкка айрим амалиёт бўлинмалари кредитлаштириш лимитларини ишлатиб бўлган тақдирда ҳам кредит амалиётларини давом эттириш имконини беради. Лекин бўлинмалар бўйича лимитнинг умумий миқдори танланмаган. Айтайлик, кредит бўлинмаси ўзининг лимитини тўлиқлаштириб бўлди, лекин ҳужжатлаштирилган операциялар бўлими ўзининг лимитини тўлиқҳажмда ишлата олмади, дейлик. Бундай ҳолатда лимитнинг қолган қисми ҳисобидан миқозга бериладиган кредит миқдори кўпайтирилиши мумкин. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, кредитни қайтарилмаслик rischi доимо мавжуддир, фақат бу riskни камайтириш мумкин. Riskни камайтириш жараёнида барча зарур жараёнларни аниқ бажариш талаб этилади.

Тижорат банкларининг кредит амалиётларининг самарадорлигига таъсир қилувчи асосий омиллардан бири кредитларнинг тури ҳисобланади. Кредитлар республикамиз банк амалиётида турларига кўра икки йирик гуруҳга бўлинади:

1. Қисқа муддатли кредитлар (бир йилгача муддатдаги).
2. Узоқ муддатли кредитлар (бир йилдан ортиқ муддатдаги).

Кўпчилик мамлакатларда, шу жумладан, /арбий Европа мамлакатларида кредитлар муддатига кўра уч турга бўлинади-қисқа, ўрта ва узоқ муддатли кредитлар. Бунда қисқа муддатли кредитларга бир йилгача муддатга бериладиган кредитлар, ўрта муддатли кредитларга бир йилдан беш йилгача муддатга бериладиган кредитлар ва узоқ муддатли кредитларга беш йилдан ортиқ муддатга бериладиган кредитлар киради.

Куйидаги жадвал маълумотлари орқали АТ «Асака банк»и кредит портфелини кредитларнинг муддатига кўра кўриб чиқамиз. Бунда асосий эътибор кредитларнинг ҳар бир тўрини динамикасини ўрганишга қаратилади.

3- Жадвал


АТ «Асака банк» кредит портфелининг муддати бўйича таркиби (молиявий йилнинг сунгги санасига)⁵

						(Фоизда)
	Кредит муддатлари	2009й.	2010й.	2011й.	2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши, пункт	3
1	Қисқа	31,0	28,3	26,6	-4,4	- жадвал маълумотлар
2	Узоқ	69,0	71,7	73,4	4,4	
	Жами	100,0	100,0	100,0	X	

ридан кўринадики, «Асака банк»да 2009-2011 йиллар мобайнида қисқа муддатли кредитларнинг жами кредит қуйилмалари ҳажмидаги салмоғи пасайиш тенденциясига, узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи эса, ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, салбий ҳолат ҳисобланади, чунки узоқ муддатли кредитлар хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион ҳаражатларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи ҳисоблансада, инфляция даражаси ҳисобига узоқ муддатли кредитларнинг фойдалилик даражаси пасайиши мумкинлиги ва йўналтирилган узоқ муддатли кредитларнинг тижорат банкига қайтиб келиш муддатининг узайиб кетиши ҳисобига банк айланмасига ҳам салбий таъсир кўрсатиб қўйиши мумкин.

АТ «Асака банк» кредит портфелининг муддати бўйича таркиби (молиявий йилнинг сунгги санасига)

(2.2.3. диаграмма)



Лекин таҳлил жараёнида берилган инвестицион кредитларни банкларнинг ресурс базасига мувофиқ келишига эътиборни қаратиш лозим.

Тижорат банклари кредит портфелининг самарадорлик даражасини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қуйилмалари ҳажмидаги салмоғини ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида бу кўрсаткичнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган мўътадил даражаси, тадқиқотнинг биринчи бобида таъкидлаганимиздек, 3 фоизни ташкил қилади.

Агар бу кўрсаткичнинг даражаси 3 фоиздан ошса, бу ҳолат банкнинг кредит портфелини сифат даражасини ёмонлаша бошлаганлигидан далолат беради. Бу эса, ўз навбатида, кредитлардан олинадиган фоизли даромадларнинг камайишига олиб келади.

4-Жадвал

АТ «Асака банк»ида муддати ўтган ссудаларнинг кредит қуйилмаларининг умумий ҳажмидаги салмоғини ўзгариши.⁶

⁵ АТ «Асака» банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

⁶ АТ «Асака» банк маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

(Фоизда)

Кўрсаткичлар	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилда 2009 йилга нисбатан ўзгариши, пункт
Кредитлар-жами	100	100	100	X
Муддати ўтган кредитларнинг жами кредитлар ҳажмидаги салмоғи	0,1	0,3	1,9	1,8



муддати ўтган кредитларнинг жами кредит қурилмаларининг ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бизнинг фикримизча бу салбий ҳолат ҳисобланади ва банк кредит портфелининг сифат даражасини пасаяётганлигидан далолат беради.

Айни вақтда шуни таъкидлаш жоизки, банкда муддати ўтган кредитларнинг салмоғи кўрсаткичининг даражаси 3 фоиздан ошмайди. Бу эса, ижобий ҳолат ҳисобланади.

Шунингдек, «Пахтасаноат» уюшмаси тизимидаги корхоналарга жами **8,4** млрд сўм, Машина трактор паркларига **9,4** млрд сўм миқдорида муддатли кредит ва **1,0** млрд. сўм миқдорида факторинг кредити ажратилди. Бундан ташқари, 139 та «қишлоқхўжаликкимё» тизимидаги ташкилотларга **2,5** млрд. сўм ва «Ўзбек ипаги» уюшмаси тизимидаги корхоналарга **835** млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги «Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 395-сонли қарорига мувофиқ, 2009 йилда қурилишни амалга ошираётган қурилиш ташкилотларига 15 та лойиҳа бўйича **2,8** млрд. сўм кредит ажратилди. «Ўзпахтасаноатсотиш» корхоналарига **2,6** млрд сўм миқдорида кредит берилди.

2009 йилда «Асака банк» томонидан хизмат кўрсатувчи савдо ташкилотларидан 966 тасига **11,2** млрд. сўм кредит берилди. Шундан озиқ-овқат маҳсулотлари учун **10,0** млрд. сўм ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 26 июлдаги «Олий ўқув юртларида тўлов контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида»ги 318-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан 2009 йил давомида жами 2199 та **970,4** млн сўм миқдоридаги таълим кредити берилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кредитлаш «Асака банк» кредит сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли, «Асака банк» тизими бўйича барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан 2009 йил давомида жами **6940** та лойиҳа юзасидан **17,5** млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилди, шундан 9,1 млрд. сўми деҳқон ва фермер хўжаликларига технологиялар харид қилиш мақсадида берилди. Ушбу ажратилган кредитлар ҳисобига **11 минг 921** та янги ишчи ўринлари ташкил этилиб, 8,7 млрд. сўм миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Биз мисол тариқасида АТ «Асака банк»нинг берган кредитлари бўйича қанчалик рискка тортилганлигини кўриб чиқамиз.

2009 йилда АТ «Асака банк»нинг жами берган кредитлари 114962,00 млн.сўмни ташкил қилиб, улардан 103786,082 млн. сўми яхши кредитлар, 773,861 млн сўми субстандарт кредитлар, 141,713 млн.сўми шубҳали кредитлар, 48,408 млн.сўми умидсиз кредитларни ташкил қилади. Берилган жами 114962,00 млн. сўмлик кредитнинг 963,982 млн. таснифланган кредитлар сирасига киради, бу жами берилган кредитга бўлган нисбатни 0,84 ини ташкил қилади. Бу банк учун 1334,018 млн. сўмлик резерв ҳосил қилинишни талаб қилади.

Агарда кредит қуйилмалари таснифланишини вилоятлар бўйича кўрадиган бўлсак, бунда АТ «Асака банк» томонидан энг кўпкредит қуйилмалари Фаргона вилоятида амалга оширилган бўлиб 12409,961 млн. сўмни ташкил қилган. Яъни, бу вилоятга умумий кредит қуйилмаларининг 10,79 фоизи тўғри келади. Кейинги ўринларда Андижон, қашқадарё вилоятлари туради. Бу вилоятларга мос равишда АТ «Асака банк» томонидан 8818,003 млн. сўмлик ва 7938,737 млн. сўмлик кредит қуйилмалари амалга оширилган. Бу умумий кредит қуйилмаларининг 7,67 фоизни ва 6,91 фоизни ташкил қилади. Сўнгги ўринларда Сирдарё ва Навоий вилоятлари туради. Бу вилоятларга АТ «Асака банк» томонидан мос равишда 4218,417 млн. сўм ва 2422,310 млн.сўмлик кредит қуйилмалари йўналтирилган. Бу вилоятлардаги кредит қуйилмаларининг умумий кредит қуйилмаларига нисбати 3,67 фоизни ва 2,11 фоизни ташкил қилади.

Вилоятларда АТ «Асака банк» томонидан амалга оширилган кредит қуйилмаларининг рискка тортилиш даражаси бўйича таснифланишида Тошкент вилояти юқори ўринда туради. Яъни, бу вилоятда берилган жами 5102,724 млн. сўмлик кредитнинг 76,018 млн. сўми рискка тортилиб, бу шу вилоят бўйича жами берилган кредитга бўлган нисбати 1,49 фоизни ташкил қилади. Бу банк учун 19,723 млн. сўмлик резерв ҳосил қилинишни талаб қилади. Кейинги ўринларда Қашқадарё ва Андижон вилоятлари туради. Қашқадарё вилояти бўйича жами 7938,737 млн. сўмлик кредит қуйилмаларининг 79,443 млн. сўми рискка тортилган бўлиб, бу шу вилоят бўйича жами кредит қуйилмаларининг 1,00 фоизни ташкил қилади. Бу банк учун 43,143 млн. сўмлик резерв ҳосил қилинишни талаб қилади.

АТ «Асака банк» томонидан амалга оширилган кредит қуйилмалари таснифланишини тармоқлар бўйича кўрибчиқсак, бунда банк томонидан энг кўпкредит қуйилмалари саноат ва кишлоқ хўжалиги тармоқларида амалга оширилган бўлиб, мос равишда 45320,419 млн. сўмни ва 27379,196 млн.сўмни ташкил қилган. Яъни, бу тармоқларга умумий кредит қуйилмаларининг 39,42 фоизи ва 23,82 фоизи йўналтирилган. Кейинги ўринларда банк томонидан моддий-техника таъминоти ва етиштириш, ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғига салмоқли кредитлар берилган.

Тармоқлар бўйича АТ «Асака банк» томонидан берилган кредитларнинг рискка тортилиш даражаси бўйича таснифланишида саноат тармоғи юқори ўринда туради. Яъни, бу тармоққа берилган жами 45320,419 млн. сўмлик кредитнинг 621,118 млн. сўми рискка тортилиб, бу шу тармоққа берилган жами кредитнинг 1,37 фоизини ташкил қилади. Бу банк учун 175,743 млн. сўмлик резерв ҳосил қилинишни талаб қилади. Кейинги ўринда савдо ва хизмат кўрсатиш тармоғи туради. Бу Тармоққа йўналтирилган жами 10434,701 млн. сўмлик кредит қуйилмаларининг 111,892 млн. сўми рискка тортилган бўлиб, бу банк томонидан шу тармоққа берилган жами кредитларнинг 1,07 фоизни ташкил қилади ва бу банк учун 49,765 млн. сўмлик резерв ҳосил қилинишни талаб қилади.⁷

АТ “Асака” банк маълумотларини таҳлил қилиб тижорат банкда активлар салмоғи анчагина яхшилигини кўришимиз мумкин, аммо кредит ресурсларидан фойдаланишда баъзи камчиликларга йўл қўйилганлигининг гувоҳи бўламиз. Булардан энг рисклилиқ даражаси юқориларига банкнинг бир тармоққа йўналтирган капиталининг улуши юқорилиги ва кредит портфелида қисқа муддатли кредитга нисбатан узоқ муддатли кредитлар салмоғининг кўплиги тижорат банкнинг активларда юқори самар олиш имкониятини чеклаб қўймоқда назаримизда.

2.3. “АСАКА” БАНКнинг хужалик юритувчи субъектлар кредит қобилиятини ҳисоблаш тартиби

⁷ www.cbu.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Кредит қобилияти - ҳужалик юритуви субъектлар молиявий ахволига бериладиган баҳо, уларнинг кредитларни уз ваўтида ва тулик қайтара олиш қобилияти.

Ҳужалик юритувчи субъектлар кредит қобилияти бир канча курсаткичлар билан тавсифланади. Курсаткичлар сони чекланмайди ва уларни ҳар бир тижорат банки узи хизмат курсатадиган мижозлар фаолиятининг узига хос хусусиятларига асосланиб, мустиқил равишда белгилайди.

Ушбу тартибда кредит қобилиятининг мажбурий зарур курсаткичлари қуриб чиқилади. Булар: қоплаш қозффициенти, ликвидлик ва уз маблаглари билан таъминланганлик (мухторият қозффициенти), шунингдек уз оборот маблаглари мавжудлиги нотуловлар динамикаси, оборот маблаглари фойда келтириши ва айланиши қозффициентлари.

Кредит қобилиятини баҳолашда баланс ҳамда ҳужалик юритувчи субъект қрган фойда ва зарарлар тугрисидаги ҳисобот тахлили асос булади. Бундан ташқари, зарур ҳолларда кредит қобилиятини баҳолаш чогида истикболни белгилаш ва статистика идораларнинг маълумотларидан, банкнинг узидаги статистика, ҳамда тахлил материалларидан ва бошқа маълумотлардан фойдаланилади.

Ўзидаги қозффициентлар кредит қобилиятининг асосий курсаткичлари ҳисобланади.

Қоплаш, ликвидлик, мухторият қозффициенти ва уз маблаглари билан таъминланганлик курсаткичлари.

Қоплаш қозффициенти қиска муддатли ликвид маблаглар билан қиска муддатли мажбуриятлар орасидаги нисбат сифатида ҳисобланади. У қуйидаги Формула орқали аниқланади.

$$КП = \frac{ЛС}{Кр.О},$$

1.
бунда:

КП-қоплаш қозффициенти;

ЛС-қиска муддатли ликвид маблаглар.

Уларга қуйидагилар қиради;

а) пул маблаглари (ДС) – 170-сатр пул маблаг, 180-сатр валюта маблаг, 190-сатр газнадаги пул маблаглари.

б) осон ундириладиган талаблар

- 200-сатр - 3 ойдан ошчаган қиска муддатли қуйилчалар,

- 220-сатр - харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар,

- 230-сатр - 3 ойдан ошмайдиган муддатга товар етқазиб берувчилар ва пудратчиларга берилган бунақлар,

- 240-сатр - бюджет билан ҳисоблашишлар,

- 250-сатр ~ бошқа операциялар буйича ходимлар билан ҳисоб-қитоблар,

- 260-сатр - шуъба қорхоналар билан ҳисоб-қитоблар (яқин 3 ойда утқазилиши қерак булган туловлар),

- 290-сатр - бошқа дебиторлар билан ҳисоб-қитоблар (қайтарилгандаги реал ҳисоб-қитоблар).

в) осон сотиладиган захиралар

- 300 -сатр ~ баланс активи II булимм якуни (ортиқча товар моддий бойлиқлари захиралари, қурилиши тухтатиб қуйилган объектларга тегишли машина-ускуналар захиралари, қуриб битқазилмаган қорхоналар буйича қаражатлар ва ишлаб чиқаришдан тухтатилган тайер махсулот қолдиглари ҳисобга олинади).

ҚрО - қиска муддатли мажбуриятлар:

Қиска муддатли мажбуриятларга қуйидагилар қиради:

а) Тузатиш қиритилмаган баланс моддалари маълумотлари:

420 - сатр - қиска муддатли кредитлар;

430 - сатр - қиска муддатли қарз маблаглари;

450 - сатр - товарлар ишлар ва хизматлар учун ҳисоб-қи-тоблар;

460 - сатр - бюджет билан ҳисоб-қитоблар;

470 - сатр - иш ҳақи тулаш буйича ҳисоб-қитоблар;

480 - сатр – сугурта ва таъминот буйича ҳисоб-қитоблар;

500 - сатр - бюджетдан ташқари туловлар буйича ҳисоб-қи-тоблар;

510 - сатр - шуъба қорхоналар билан ҳисоб-қитоблар;

530 - сатр - бошқа қредиторлар билан муддати 3 ойгача булган ҳисоб-қитоблар;

б) баланс моддаларининг якин 3 ойга тугри келадиган тулов муддати билан мослаштирилган маълумотлари:

-420 - сатр - банкларнинг узок муддатли карзлари;

-410 - сатр - узок муддатли карзлар;

Хужалик юритуви субъектнинг ликвид активлари унинг киска муддатли мажбуриятларидан камида икки баравар ортик булганда унинг молиявий ахволи яхши хисобланади. Бу юкори мезон чегарасидир. Хужалик юритувчи субъектнинг ликвид активлари унинг киска муддатли мажбуриятлари хажмига тенг булган холлардаги курсаткич куйи чегара сифатида олинади.

Айни пайтда ишлаб чикариш характери, хужалик юритуви субъект активлари таркиби каби омиллар унинг баланси ликвидли билан боглик хакикий ахволи бирмунча узгартириб курсатиши мумкин. Холбуки, мазкур ликвидли коплаш курсаткичи билан тавсифланади.

Турли омиллар таъсирини пасайтириш максатида хужалик юритувчи субъектлар балансининг ликвидлик курсаткичи хисоблаб чикилади. Бу курсаткич пул маблаглари ва осон амалга ошириладиган талаблар билан киска муддатли мажбуриятлар орасидаги нисбат сифатида белгиланади, яъни бунда товар - моддий бойликлар захиралари хисоб-китобга кушилмайди, балки факат реал ликвид активлар хисобга олинади.

$$2. \quad KЛ = \frac{ДС + ЛРТ}{Кр.О}$$

бунда:

КЛ ~ ликвидлик коэффициенти;

ДС - пул маблаглари;

ЛРТ - осон амалга ошадиган талаблар;

Кр.О - киска муддатли мажбуриятлар.

$$КЛ = \frac{(170+180+190+200+220+230+240+250+260+290)\text{сатрлар}}{540\text{-сатр} - (400+410)\text{ сатрлар}}$$

Ликвидлик коэффициент жорий мажбуриятларнинг канчаси нақд пулнинг узи билангина эмас, жунатилган махсулот, бажарилган ишлар ва курсатилган хизматлар учун тушиши кутилаётган маблаглар хисобидан ҳам копланиши мумкинлигини курсатади.

Хужалик юритуви субъект уз манбалари билан каидай таъминланганлиги (Ўски мухторият коэффициенти хужалик уз манбаларининг корхона баланси пассиви умумий якунидаги улушин хисоблаш йули билан бахоланади ва у корхонанинг маблагли карз олиш манбаларига мухтож эмаслигини акс эттиради.

Уз манбалари билан таъминланганлик коэффициенти куйидаги формула ёрдамида аникланади.

$$3. \quad КА = \frac{СИ}{ПБ}$$

бунда:

КА - мухторият коэффициенти;

СИ - уз манбалари;

ПБ - баланс пассиви.

$$КА = \frac{390 - \text{сатр}}{550 - \text{сатр}}$$

Корхона уз манбалари билан таъминланганлик даражаси 30 фоиздан кам булмаслиги керак. Оборот маблаглари айланиш тезлиги катта булган холларда хужалик органи фаолият турига караб, бу курсаткичининг йул куйиладиган даражаси биров пастрок булиши мумкин.

Агар бу коэффициент 0,6 дан юкори, яъни 60 фоиз булса, кредит хатари минимал даражага туширилган хисобланади.

Кредит кобилияти кушимча курсаткичларига куйидагилар киради: уз оборот маблаглари мавжудлиги динамикаси, фойдалилик, нотуловлар ва оборот маблаглари айланиши суръати.

Уз оборот маблағлари мавжудлиги

НСОС = СИСМ - ОС

бунда:

- НСОС - уз оборот маблағлари мавжудлиги;

- СИС - уз маблағ манбалари;

- ОС - асосий воситалар ва оборотдан ташкари активлар;

- НСОС = уз маблағ манбалари (390-сатр)-Асосий воситалар ва оборотдан ташкари активлар 110 — (400+410) сатрлар.

Хужалик юритуви субъектнинг асосий воситалар ва оборотдан ташкари активлари (баланс активининг 1-булими) унинг уз маблағларидан ортиқ булган ҳолларда ноликвид баланс вужудга келади. Баланси ноликвид хужалик юритуви субъектлар банк кредитларидан фойдаланишга ҳақли эмаслар.

Хужалик юритувчи субъектлар оборот маблағлари айланиш суръати икки курсаткич билан белгиланади. Булар, оборот маблағлари айланма коэффиценти ва оборот маблағлари кундалик айланиши.

Оборот маблағлари айланиши коэффиценти оборот маблағлари ҳаракатланиши тезлигини тавсифлайди ва у таҳлил этилаётган даврда маҳсулот сотишдан олинadиган тушум билан оборот маблағларни уртача киймати орасидаги фарқ сифатида ҳисобланади.

$$а) \quad Kоб = \frac{P}{CO}$$

бунда:

Коб - айланиш коэффиценти;

P - маҳсулот сотиш ҳажми

CO - оборот маблағларининг хронологик қолдиги.

б) оборот маблағларининг кундалик айланиши

$$О \text{ кунларда} = \frac{CO * Д}{P}$$

О кунларда — оборот маблағларининг кундалик айланиши

Д - таҳлил қилинаётган кунлар

P - сотиш ҳажми

Юқоридаги курсатилган коэффицентлар ҳисоблаб чиқилгандан сунг иловадаги жадвалга асосан миқдорнинг кредитга лаёўатлилиги қобилияти даражаси аниқланади.

1-синфга мансуб қорхоналар умумий тартибда кредитланадилар. Уларга нисбатан баъзи имтиёзлар берилиши мумкин. Масалани ишончли кредит бериш, кредитни қайтариш муддатини узайтириш, ёки пастрок кредит фоизи қўллаш шулар жумласидандир;

2-синфга мансуб қорхоналар ҳам умумий тартибда, баъзи имтиёзлар қўлланган ҳолда кредитланиши мумкин (ишончли кредитлар бериш бундан мустасно);

3-синфга мансуб қорхоналар кредитга лаёқатсиз деб ҳисобланиб, уларни кредитлаш Факат юқори фоиз ставкаларини қўллаган ҳолда, юқори ташкилот қаролати ёки мулкни қаровга қўйиш йули билан амалга оширилиши мумкин;

4-синфга мансуб қорхоналарга кредит берилмайди. Лекин ҳукуматнинг алоҳида қарорларига қўра истиснолар қўлланиши мумкин.

Ҳар қандай тижорат банк учун унинг миқдорининг иқтисодий ҳолати муҳим аҳамия касб этади, шу сабабдан АТ “Асака” банкда ҳам миқдорни кредит қобилиятини ҳисоблаш жараёни пухта ўйлаб чиқилган ҳимла китоблар йиғиндисидан иборатдир.

III. БОБ. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришда устувор йўналишларни белгилаш.

Ўзбекистондаги банк амалиётида кредит портфелини бошқариш бўйича анча тажрибалар тупланган. Бунда чет эл банклари тажрибаларидан унумли фойдаланилган. Аммо бозор иқтисодига утиш даврида Ўзбекистон банклари тараққиётида ҳам, бутун иқтисодда бўлгани каби узига хос хусусиятлар мавжуд. Шунингдек, узига хос муаммолар ҳам мавжуд бўлиб, бу соҳадаги муаммоларни кўриб чиқганимизда, банк кредит хатарларини олдини олишда банк ходимларининг ҳуқуқий билимларининг юқори бўлиши катта аҳамиятга эга эканлигини кураимиз.

Бугунги кунда банк ходимларининг ҳуқуқий билимлари етарли даражада эмас. Бу бир томондан иқтисодий билим масканларида уқувчи талабаларга ҳуқуқий соҳадаги дарсларнинг кам ажратилиши ва банкларнинг ўзида уқишларни ташкил қилинмаганлигидир.

Бизнинг назаримизда кредит шартномалари, гаров шартномалари ва сугўрта шартномаларининг қонуний жихатдан тўғри ва мукамал тўлдирилиши кредит хатарининг олдини олишнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Кредит хатари ёки қарзнинг қайтармаслик хавфи кредиторнинг кредит келишувига асосан кредитни уз вақтида қайтарилишига ва кредит шартларини бажара олишига ишончсизлигидан келиб чиқади. Кредит хатари банк фаолиятида учрайдиган хатарларнинг энг йириги бўлиб, қўйидагилар таъсирида вужудга келиши мумкин:

- 1) тадбиркорликда, иқтисодий ёки сиёсий муҳитда қутилмаган ўзгаришлар юз бериши натижасида қарздорнинг пул тушумини керакли даражада таъминлай олмаслиги;
- 2) кредитга қўйилган гаровнинг келажакдаги қиймати ва сифатига бўлган ишончсизлик (нарх ўзгариши, қўйилган мулкнинг ҳаридорлиги);
- 3) қарз олувчининг тадбиркорлик дунёсида обрусиз бўлиб қолиши.

Бундан ташқари тижорат банклари томонидан кредитлаш механизмида қўйида келтирилган камчиликлар мавжуд:

- миқдорнинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш моделининг такомиллашмаганлиги;
- банк-кредиторнинг ликвидлигини белгилаб берувчи асосий статистик иқтисодий факторларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги;
- миқдорнинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш ва бу борада банклар томонидан қарор қабул қилиш жараёни етарли даражада шакллантирилмаганлиги.

Юқорида кайд этилган ҳолатлар банкларнинг хатарларни бошқариш ва уларни режалаштириш учун доимий равишда чора-тадбирни амалга оширишни мажбур қилади.

Банклар томонидан кредит беришда унинг гаров мулки билан таъминланишига эътиборни кучайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Кредитни гаров мулки билан таъминлашдаги муаммолар шундан иборатки, кўп ҳолатларда гаров мулкини баҳолашда, уни сакланишини таъминлашда, уни сакланиши устидан мониторинг ўрнатишда муаммоларга дуч келинмоқда. Ушбу муаммоларни ҳал қилишда банк булимларида гаровга олинadиган мулкларни тўғри баҳолай оладиган, уларнинг бозордаги нархларини ўзгаришини баҳолай оладиган ходимларнинг мавжуд бўлиши ҳали амалиётда қулланилмаган.

Банкдан берилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши, қарздорнинг уз бизнес режасини бажарилишини назорат қилиш, гаров мулкини назорат қилинишини, назорат қилишда жавобгарликни кучайтириш лозим.

Кредит хатарини камайтириш чораларини тўғри баҳолашдаги муаммоларнинг бири кредит олувчилар ҳақида ахборотнинг етишмаслигидир. Банклар аксарият ҳолларда бўлғуси қарз олувчининг кредит тарихини билмайди. Шундай шароитда қарз олувчи бир банкни алдаб иккинчи банкдан қийинчиликсиз кредит олиб кетишига тускинлик булмайди.

Бугунги кунда банк кредит хатарини олдини олиш соҳасидаги муаммолардан бири банк жами капитали ва унинг ҳисобидан берилган банк кредитларининг кадрсизланиши оқибатида йукотиш хатарининг кучайганлигидир. Кредит хатари банк амалиётида асосий муаммо ҳисобланиб, унга бўлган турли хил қарашлар ва уни кўриб чиқиш учун ҳар-хил усуллар мавжуд. Хатар узи нима, у қаердан пайдо бўлади? Уни қандай улчаш ва таққослаш мумкин? Хатарнинг салбий оқибатларига қандай тартибда бардош бериш мумкин? Бугунги кунда айнан мана шу

саволларга жавоб топиш мамлакатимиз тадқиқотчилари ва амалиётчиларининг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда.

Хусусан, юқорида келтирилган муаммолар биз таҳлил қилаётган АТ “Асака” банк Қашқадарё вилояти филиалида ҳам мавжуд. Қашқадарё вилояти АТ «Асака» банк филиалининг кредит портфели сифатини ошириш, кнедит портфелида қисқа муддатли кредитларнинг салмоғини ошириш, қарз олувчининг кредитга лаёқатлигини баҳолаш механизмининг такомиллаштириш, миожнинг кредитлаш борасида тўғри қарор қабул қилиш кабилар бўйича маммоларни ҳал қилиш ва таклифлар бериш ўтказилган тадқиқот ишимнинг долзарб масаларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, маблағларни фоиз тулаш шарти билан жалб қилиш ва уларни юқори фоиз ставкаларда жойлаштириш имконияти банк шахсий капитали кўпайишининг манбаси ҳисобланади. Лекин бундай имконият ҳар доим ҳам мавжуд булавермайди. Банкнинг фойдаси ва шахсий капитали биринчи навбатда, келажакдаги кўпгина макро- ва микроиктисодий ўзгарувчиларнинг ноаниқлигига боғлиқ бўлган бир талай факторларнинг тебранишлари таъсири остида бўлади. Бу ўринда келажакда юз бериши мумкин бўлган ижобий ёхуд салбий иктисодий жараёнларнинг ноаниқлигини тижорат банклари тўғри англаши ва бу борада кредит портфелини бошқариш стратегиясини аниқ белгилаб олмоғи лозим.

Тижорат банкларнинг кредит портфелини самарали бошқаришда қарздорларнинг оралик молиявий ҳолатларини таҳлил қилган ҳолда уларни куллаб қувватлаш жараёнини ўрганиш ва уни амалиётда куллаш ханузгача муаммо бўлиб қолмоқда. Яъни, қарздорнинг жорий кредит лойиҳаси истикболли бўлиб, у қушимча кредит маблағларига ихтиёж сезади. Аммо, ҳозирги банк қонунчилигидан келиб чиқиб банклар томонидан миожни қушимча кредитлаш тақиқланган. Бунинг натижасида, маблағ етишмасилиги оқибатида миожнинг кредит лойиҳасини охирига етказиш, бирламчи кредитни сундириш имконияти булмайди ва тижорат банки учун яна бир муаммоли кредитни ҳосил қилади. Бу муаммони ҳал қилиш учун банк қонунчилигига керакли ўзгартиришлар киритилиши, миожга ишлаб чиқарилажак маҳсулот ва хизматлар учун қўшимча кредит маблағларини тақдим қилиш, шу билан бирга бирламчи кредитни сундириш имкониятини яратиш мақсадага мувофиқдир.

Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг мақсади даромад олишдир, шу жумладан тижорат банклари ҳам ўз фаолиятлари натижасида даромад олиб боради. Мамлакатимиз бозор иктисодиётига ўтар экан, банклар ўз навбатида даромадларини имкон даражасида ошириб боришга ҳаракат қилмоқдалар. Аммо, бу ўринда шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, даромадликка тескари пропорционал бўлган ликвидлик кўрсаткичи ҳам борки, у бўйича ўрнатилган талабларга барча тижорат банклари амал қилишлари керак.

Агар тижорат банки ўзининг қарз ва молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тулик бажариш учун етарли даражада нақд пул маблағларига, бошқа ликвидли активларга ва шунингдек бошқа манбалардаги маблағларини тез реализация қилиш имкониятига эга бўлса у ҳолда банк ликвидли ҳисобланади. Бундан ташқари, ликвидлик зҳирасини шакллантириш кузда тутилмаган эҳтиёрий молиявий эҳтиёжлар учун, хусусан кредитларга бўлган талабнинг мавсумий ва кузда тутилмаган тебранишларини компенсациялаш учун муҳим ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кредит портфелини диверсификациялаш жараёнига етарлича эътибор берилмаяпти. Улар ҳалк хўжалигининг маълум бир тармоқларини кредитлаштириб, жалб қилнган маблағлар ва шахсий маблағларини мавсумий даврларда айланттириш билан кифояланиб қолмоқда. Кредит портфелини диверсификациялаш даражаси банк жойлашган ҳудудда ҳалк хўжалигининг тармоқлар сони кўп бўлиши ва уларнинг фаолият кўрсатиш ҳолатига бевосита боғлиқ бўлади.

Тадқиқот ишида кўриб чиқилган АТ “Асака” банки Қашқадарё вилояти филиали ҳалк хўжалигининг маълум бир тармоқларини кредитлаш билан чекланган, яъни банкнинг кредит портфели етарли даражада диверсификациялашмаган. Хусусан, тадқиқот натижаларига кўра мазкур банкнинг кредит портфели иктисодиётнинг секторлари бўйича таҳлил қилинганда кредит маблағлари асосан хусусий тадбиркорликка йўналтирилганлиги аниқланди. 2009-2013 йиллар давомида мазкур секторларга берилган кредитлар таркибида муаммоли кредитлар миқдорининг пайдо бўлишига йўл қўйилган бўлиб, уларнинг аксирият миқдори хусусий тадбиркорлик субъектлари улушига тўғри келади. Бундай ҳолатнинг кўзатилиши, АТ “Асака” банки Қашқадарё

вилоятида хусусий секторни кредитлашда қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатилигини баҳолашда уларнинг бизнес-режалари, молиявий хужжатлари кредит бўлими ходимлари томонидан чуқур таҳлил қилинмаганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, қилинган таҳлиллар асосида кредит маблағларини тақдим қилишда қарорлар қабул қилиш амалиётини ва банк менеджментини такомиллаштириш бўйича етарлича чора-тадбирлар амалга оширилмаган.

Кредит портфелини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида тақдим қилинган кредит маблағларини мониторинг қилиш жараёнида қарз олувчиларнинг молиявий ҳолатини доимий равишда таҳлил қилиш, вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни аниқлаш ва уларнинг даражасини камайтириш бўйича конкрет чоар-тадбирлар дастури ишлаб чиқиш амалиёти йўлга қўйилмаган. Мазкур тадбирларни «Асака» банкининг Қашқадарё вилояти филиали кредит бўлими ходимларининг асосий вазифаларидан бири қилиб белгиланмас экан, кредит портфели сифатини яхшилаш ва кредитлаш самарадорлигини ошириш имконияти мавжуд бўлмайди.

Республикамизнинг бозор иқтисодиётига утиш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришни кескинлаштириш мақсадида бугунги кунда бошқа соҳалардаги сингари банк-молия соҳасида ҳам ислохотлар ўтказилмоқда. Маълумки, иқтисодий ислохотларни ўтказиш жараёнида хужалик юритувчи субъектлари ҳам маълум даражада ўзгаришларнинг таъсири остида бўлади. Чунки, бундай шароитида товар ва хизматлар бозорида рақобатчилик муҳити ривожланиб, тадбиркорлик субъектлардан ўз фаолиятини ва бизнесини такомиллаштириш, замонавийлаштириш, шунингдек тадбиркорлик маҳоратини сезиларли даражада оширишни талаб қилади. Мазкур, санаб утилган хусусиятлар учун муҳим омиллардан бири ҳисобланган қарз олувчи томонидан товар ва хизматлар бозорида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш, уларни чуқур таҳлил қилиш ва бизнес-режада ишлаб чиқарилиши режалаштирилаётган товар ва хизматларни танлашда ҳисобга олиш амалиётини алоҳида белгилаб ўтиш мумкин. Мазкур йўналиш бўйича «Асака» банки Қашқадарё вилояти филиалида ишлар ижобий таризда амалга оширилмайди. Чунки, кредит бўлими ходимлари томонидан кредитлашаётган лойиҳа урганилганда, мижоздан утгазилган маркетинг изланишлари тўғрисида ҳеч бир маълумот талаб қилинмайди. Бунда, мижознинг кредит маблағларини ва фоизларни банкка қайтаришда, лойиҳа самарали амалга оширилишида қанчалик даражада манфаати мавжудлигини билиш эътибордан четга қолмоқда. Бу ўз навбатида муаммоли кредитлар салмоғининг ошишига, банк маблағларининг банкдан ташқарида узоқ муддатларда бўлишида ва умуман кредит портфелини самарали бошқаришда катта тускинлик қилади.

«Асака» банки Қашқадарё вилояти филиали кредит портфел таҳлил қилиганда қисқа муддатли кредитлар жами кредитлар таркибида 50 фоиздан кам улушни эгаллаганини кўрамиз, бу эса тижорат банкининг активлари самарадорлигига салбий таъир кўрсатиб қўйиши мумкинлигидан дарак беради назаримизда. Лекин, бу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки 2009-2011 йиллар мабойнида муддати ўтган муаммоли кредитлар салмоғини камайтириш борасида ҳам маълум даражада ишлар амалга оширилишига қарамасдан, банкда муддати ўтган кредитларнинг салиоғи ўсиш тенденциясига эга бўлганини кўрамиз, аммо банкда бу ўсиш тенденцияси мавжудлигига қарамасдан унинг меъёри даражасида 3 фоиздан паст кўрсаткичда сақлаб қолинганини ижобий ҳолат сифатида эътироф этиш мумкин. Демак, банкнинг мазкур филиалида кредитлаш сиёсатини такомиллаштириш борасида маълум даражада ҳаракатлар амалга оширилган.

Тадқиқот ишида кўриб чиқилган банкда муаммоли кредитлар миқдорининг кўзатилиши ва уларнинг динамикаси мавжуд бўлиши, мижознинг кредитга бўлган лаёқатини баҳолашда математик аппаратдан суст фойдаланганлигидан далолат беради. Яъни буерда, мижознинг молиявий кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва унинг истиқболдаги молиявий ҳолатини аниқлаш конкрет методикаси етарлича ишлаб чиқилмаган. Қарз олувчининг кредитга бўлган лаёқатини баҳолашда ривожланган мамлакатлардаги банк тизими тажрибасини тадбиқ қилиш амалиёти йўлга қўйилмаган. Хусусан, суралаётган кредитнинг лимитини белгилашда мижоз тақдим қилган молиявий хужжатлар асосида аниқланган коэффицентларга таянилган. Мазкур коэффицентлар асосида кредит лимитини белгилаш, мижознинг келажақда мазкур ҳажмдаги кредитни сундириш қобилиятини тулиқлигича акс эттирмайди деб ҳисоблайман. Чунки, мижоз томонидан тақдим қилинган маълумотлар унинг утган даврдаги фаолияти натижалари ҳисобланиб, истиқболда айнан шу тенденцияларни сақлаб қолиш кафолатини бермайди. Қарз олувчига тақдим қилинаётган кредит лимитини белгилашда нафақат аниқланган унинг умумий ликвидлик, жорий

ликвидлик, мухторийлик, қарзни қоплаш, тушум рентабеллиги каби коэффицентларига балки, кредит олингандан сунг унинг балансидаги активлари ва мажбуриятларидаги ўзгаришларни, иқтисодиётда юз берадиган ўзгаришларга хўжалик юритувчи субъектнинг таъсирчанлик даражаси, лойиҳа хусусий маблағлар билан таъминланганлик ҳолати каби оамилларни ҳам ҳисобга олиш муҳим деб ҳисоблайман. Чунки, мазкур муҳим йўналишларни белгилаб олиш орқали миқознинг истикболдаги молиявий ҳолатини аниқлаш, кредит портфелида вужудга келиши мумкин бўлган хатарларни олдиндан аниқлаш ва ўз вақтида уларни бартараф қилиш борасида чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятига эга бўламиз.

АТ «Асака» банки Қашқадарё вилояти филиалида кредит портфели сифатини ошириш мақсадида миқозлар кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини бажармаган тақдирда, таъминот объектларини сотиш бўйича конкрет методика ишлаб чиқилмаган. Бунинг натижасида, банкда муаммоли кредитлар салмоғини янада қисқартириш ва банк маблағларини ундириш бўйича самарадорликка эришиш борасида ижобий натижаларга эришиш имконияти мавжуд бўлмайди.

Тижорат банклари кредитлашнинг аниқ стратегиясини белгилаб олмасдан, кредитлаш фаолиятини амалга ошириши натижасида шахсий ва жалб қилинган маблағларнинг узок муддат давомида қайтиб келмаслигига ёки йукотилишига йўл қўймоқдалар. Бунинг натижасида уз миқозлари олдидаги мажбуриятларни тулик ва уз вақтида бажармаслик, янги кредитлар тақдим қилиш учун манбалар ҳажмини пасайиши каби салбий ҳолатлар вужудга келмоқда.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсишини таъминлашда фаол иштирок этиш тижорат банкларининг асосий мақсадларидан бири бўлиб, бунда банкларнинг молиявий ҳолатида мавжуд бўлган циклик нобарқарорликни «силликлаш», молия ресурсларидан тулик ва самарали фойдаланиш, молиявий барқарорлик даражасидан истикболда максимал иқтисодий ўсиш суръатига эришиш, пировард натижасида банк кредит портфелини самарали тартибга солишнинг устувор йўналишларини белгилаб олиш такозо қилинади.

Хулоса ва таклифлар

Битирув малакавий ишини кўриб чиқиб қуйидаги хулосаларга келинди:

Банк тизимининг молиявий барқарор фаолият кўрсатиши учун уларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш нафақат ички ўзини ўзи тартибга солувчи механизмлар, балки банк назоратининг илғор тизими орқали амалга оширилиши жаҳондаги ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълум. Таъкидлаб ўтиш керакки, бозор иқтисодиётида банк назорати режали иқтисодиётга хос назорат ва тафтиш тизимидан тубдан фарқ қилади. Бунда омонатчилар ва кредиторлар манфаатини ҳимоялаш мақсадида банк тизимидаги таваккалчилик даражасини тартибга солиш банк назоратининг бош вазифаси қилиб олиниб, бу борадаги фаолият самарали амалга оширилмоқда.

Аммо кредит сиёсатининг етарлича ишлаб чиқилмаганлиги тижорат банкларининг кредит портфелига салбий таъсир қилмоқда. Хозирги кунда мижознинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш тизими такомиллашмаганлиги; банк-кредиторнинг ликвидлигини белгилаб берувчи асосий статистик иқтисодий факторларнинг етарли даражада ўрганилмаганлиги; мижознинг кредитга лаёқатлигини баҳолаш ва бу борада банклар томонидан қарор қабул қилиш жараёни етарли даражада шакллантирилмаганлиги каби муаммолар кредит портфели сифатининг пасайишига олиб келмоқда.

АТ «Асака» Қашқадарё вилояти филиалида банк амалиётини юритишда кредитлашга катта эътибор қаратилган. Утказилган тадқиқот натижаларига кўра 2009-2012 йиллар давомида жами кредит қўйилмалари усиш тенденциясига эга бўлган.

Банкнинг кредит портфелини бошқариш механизми етарли даражада такомиллаштирилмаган. Чунки, 2009-2011 йиллар мабойнида муаммоли кредитларнинг пайдо бўлишига ва мазкур давр ичида маълум вақт оралиғида ўсиш тенденциясига йўл қўйилган. Бу ўз навбатида, банкда кредит сиёсатини юритишда кредитлаш методикасини такомиллаштириш борасида етарлича ишлар амалга оширилмаганлиги ва камчиликларни оператив равишда бартарф қилиш дастури ишлаб чиқилмаганлигидан далолат беради.

Кредит портфели менеджментининг сифатини ошириш мақсадида, кредит бўлими ходимларининг ҳуқуқий ва касбий билим савияларини ошириш борасида етарлича ишлар амалга оширилмаган.

Аммо шуларга қарамай АТ «Асака» Қашқадарё Вилояти бўлинмаси кредит ресурсларидан фойдаланишда 2009-2012 йиллар мобайнида ижобий натижаларга эришган ва банк кредитлари салмоғининг ўсишига муваффақ бўлинган.

Камчиликлар ва қилинган хулосаларга асосланиб, “Асака” Қашқадарё вилоятининг бўлинмасининг кредит сиёсатини бошқариш механизмини такомиллаштириш мақсадида қўйидагиларни таклиф қиламиз:

1. Мамлакатнинг иқтисодий барқарор ўсишини таъминлашда, банк тизимини иқтисодий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда мунтазам такомиллаштириб бориш лозим;

2. Банк хизматлари турларини кўпайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш;

3. Республикада банкларни текшириш ва назорат қилишни такомиллаштириш;

4. Банкларнинг капиталлашув ва молиявий барқарорлигини ошириш; Уларнинг ресурс базасини кўпайтириш учун аҳоли жамғармаларини ва хўжалик субъектларини бўш пул маблағларини банклардаги муддатли омонатларга жалб қилиш ва молия бозорида банк акцияларини иккиламчи бозорини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўриб чиқиш;

5. Тижорат банкларида кредит портфели таркибида қисқа муддатли кредитлар улушини янада кўпайтириш банк активлари самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

6. Иқтисолиётимизни модернизациялаш шароитида халқ ҳужалиги тармоқлари, хусусан молия соҳасини кредитлашда тижорат банклари томонидан кредитлар тақдим қилиш жараёнида кредит рискларини олдини олишда банк ходимларининг ҳуқуқий билимларини ошириш, гаров мулкани баҳолаш, сақлаш, сақланиши устидан мониторинг ўрнатиш, уларнинг бозордаги нархларини ўзгаришини баҳолай оладиган ходимларнинг банкда мавжуд бўлиши бўйича муаммоларни ҳал қилиш зарур. Мазкур йўналишларни амалга ошириш натижасида, кредит портфелини самарали бошқариш фаоллашади.

Юқорида белгилаб ўтилган таклифларни “Асака” банк Қашқадарё вилояти бўлинмасининг кредит сиёсатини юритишда муҳим йўналишлар сифатида амалга ошириш натижасида, кредит сиёсатини сифатли бошқариш ва мазкур соҳада банк менежментини янада яхшилашда ижобий натижаларга эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабр. Т.: «Ўзбекистон», 2003 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабр.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрел.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари.

4. «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишларни амалга оширилишини жаддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», Тошкент ш., 2005 йил 7 июн.
5. «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислох қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида». «Халқ сўзи» газетаси, 2000 йил 21 март.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

6. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта операцияларини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 420-сонли қарори, 2003 йил 1 октябр.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори 15.08.2003 й.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

8. Ўзбекистон республикаси президенти ислон каримовнинг мамлакатимизни 2013-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2014-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси 18.01.2014.
9. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Т.: «Ўзбекистон», 2005.
10. Каримов И.А., «Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир». Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 29 январ.
11. Каримов И.А. «Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир». – Т: Ўзбекистон, 2005, 85 б.

V. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

12. Положение о порядке составления и представления консолидированной финансовой отчетности коммерческими банками (Утверждено постановлением ЦБ РУз от 31.12.2004 г., № 28/12).
13. Положение о порядке исправления ошибок в финансовых отчетах коммерческих банков (Утверждено постановлением ЦБ РУз от 08.11.2003 г., № 27/14).
14. Тижорат банкларида фоизларни ҳисоблаш тўғрисида Низом (Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 11 октябрда 25/8-сон билан рўйхатга олинган).
15. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режаси (Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 13 августда 773-17-сон билан рўйхатга олинган).
16. Тижорат банклари капиталининг етарлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида. (Адлия вазирлигида 2000 йил 25 июлда, Марказий банки томонидан 2000 йил 26 апрелда 949-сонли 420-сонли рўйхатга олинган.)

VI. Махсус адабиётлар.

17. Рашидов О.Ю., ва бошқ. Пул, кредит ва банклар: Дарслик. -Т.: ТДИУ, 2008. -432 бет
18. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар. –Т. «Иқтисод-Молия» -2007 йил, 348 бет.

19. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Тошкент: Молия, 2003.
20. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси; Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. - Т: Молия, 2002. -304 б.
21. Банковское дело. Учебник, под редакцией проф. Колесников В.И. М.: «Финансы и статистика», 2003
22. Бернстайн Л.А. Анализ финансовой отчетности. М.: «Финансы и статистика», 2002.
23. Йулдошев НД., Волтабоев М.Р., Рихсимбоев ОК., Фаниев Б.О. Стратегии менежмент. Укув кулланма. -Т.: ТДИУ нашр., 2003 й.
24. Лаврушин О.Н. Банковское дело. М. ФИНАНСЫ 2003 й.
25. Лаврушин О.И. (Управление деятельностью коммерческого банка:Учебник/-М: Юристь, 2002., гл.10.
26. Лаврушин О.И., Банковский менеджмент; Банковское дело:/Учебник/-М: Финансы и статистика, 2005., гл.6.
27. Ларионова И.В., Управление активами и пассивами в коммерческом банке/-М: "Консалтбанкир", 2003. гл.4.
28. Рахимов Д.Н. ва бошқалар. Менежмент. (укув кулланма) –Т: Академия, 2003 й.
29. Эрматов. М.К.Банк назорати ва аудитини такомиллаштириш муаммолари. «Иктисод-молия» 2005 й.
30. Лизинг муносабатлари назарияси ва амалиёти: Ўқув кўлланма. Д.Г.Гозибеков, О. Ш. Сабилов ва бошқ.; Ўзбекистон Банклари Ассоциацияси; Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси. -Т.: "Fan va texnologiya", 2004. -308 б.
31. Уткин Э.А., Суханов М.С. Аудит банковской деятельности. Учеб. пос. М.: ТЕИС, 2003
32. Шидловская М.С. Банковский надзор и аудит. —Минск. Высшэйшая школа, 2003. 3 стр.
33. J.Norton, Devising International Bank Supervisory Standerts (Kluwer, 1995)

VII. Илмий мақолалар, монографиялар

34. Абдуллаева Ш.З. Кредит портфелини бошқаришда диверсификациялаш аҳамияти/ Бозор, пул ва кредит. -Т., 2003.- N 5., 8-9 б.
35. Бакиев Ф. Итоги реформирования банковской системы и задачи дальнейшего углубления. Бозор, пул ва кредит. - Т., 2006 й. - N 1.
36. Голикова Ю.С. Факторы возникновения банковских кризисов. Банковское дело. - М, 2005 й. - №8. - С. 33-37
37. Каримов Н. Банк тизими барқарорлигида ташқи назорат ва аудитнинг аҳамияти. Бозор, пул ва кредит. - Т., 2006 й. - N 1. 19-21 б.
38. Маматов З. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида аудит ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари. Бозор, пул ва кредит. - Т., 2003 й. - N 12. - С. 7-10
39. Остапкович Г.В. Деловая активность в банковской системе: состояние и перспективы. Банковское дело. - М., 2003 й. - N 8. - С. 2-1
40. Тошматов Ш.А. Тижорат банкларида корпоратив менежмент ривож. Бозор, пул ва кредит. - Т., 2004 й. - N 12. - С. 7-10

XIII. Интернет сайтлар

41. www.uza.uz- (Natsionalnaya informatsionnaya agentstvo)
42. www.cer.uz- (tsentr ekonomicheskogo issledovaniya)
43. www.iasc.org.uk - (International Accounting Standards Committee)
44. www.gov.uz – (novosti pravitelstva Uzbekistana).
45. www.cbu.uz (Markaziy Bank)
46. www.uba.uz.(o'zbekiston banklari assotsiatsiyasi)